Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 38 (4733).
15 ФЕВРАЛЬ 1982 й.
ДУШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ПРАВДА саҳифаларида

● Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ғ. Ғафуровни Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган.

● Бугун газета «Правда»нинг амалий клуби» деган янги рубрикани очмоқда. Редакция 1982 йилда ана шу рубрика остида мутахассислар билан учрашиб, актуал социал-иқтисодий проблемаларни муҳокама этиш ниятида.

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА— 60 ЗАРБДОР ҲАФТА

Сермаҳсул аппаратлар

«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг офсет босма фабрикасида ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, янги техника воситалари билан таъминлаш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, дарслик ва плакатларни чоп этишда қўлланиладиган, бир кунда ҳар бири 54 минг белги тера олувчи 5 та ФВП маркали программали полиграфия аппаратлари комплекси ишга тушди. Бу сермаҳсул аппаратлар Ленинград полиграфия машинасозлиги заводида тайёрланган. Бундан ташқари полиграфия нусхаларини кўпайтирувчи «Конон — 200» аппарати ҳам ишга тушди. Бу янгилик эски типдаги нусха кўчирувчи рама мосламалари ишини бир неча ўн марта осонлаштирди.

СУРАТЛАРДА: юқорида — мастер Д. Обидова ва оператор М. Бадалов мураккаб полиграфия нусхаларини кўчириш устида; пастда — операторлардан М. Сайдалиева ва Р. Исабоева иш жараёнида.

М. Нуриддинов фотолари.



ЯНГИЛИКЛАР АХБОРОТ ХУШХАБАРЛАР

● ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАГА ТАРАДДУД ● ЎЗБЕКИСТОН МЕЪМОРЛАРИ — АСР ҚУРИЛИШИГА ● «УРОҚ ВА БОЛҒА» ИТТИФОҚИГА САДОҚАТ.

● *Ўзбекистон жаҳон даврасида*

ВЕНГРИЯДА НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ

БУГУН

Ўзбекистон халқ амалий санъати усталари ва бадиий ҳунармандчилик корхоналари коллективлари Венгрия Халқ Республикасида намойиш этиладиган нафис буюмлар кўргазмасига тайёргарлик кўра бошладилар.

Венгрия ва Ўзбекистон ўртасида ўзаро келишувга биноан шу йилнинг кузида қардош мамлакатда Ўзбекистон халқ амалий санъати буюмлари савдоси ва кўргазмаси ташкил этилади.

Ана шу масъулиятли имтиҳон учун Тошкентдаги амалий санъат экспериментал икодий комбинатида нафис сопол буюмларини тайёрлашга киришилди. Бу буюмлар лаган, ваза, шокоса, пиёла, чой ва вино сервизлари бўлиб, уларнинг умумий қаймати 13 минг сўмликдан иборат.

Тошкент ва Қўқон шаҳарларида ижод қилувчи ёғоч ўймакорлиги санъати усталари ишлари, шунингдек қўлда тўқилган сержилва гиламлар ҳам Венгрияга юборилади. Булардан ташқари Самарқанд шаҳри усталари ўйинчоқлар ва совға буюмларини ҳам ишлаб чиқишмоқда.

● *Тошкент—мамлакатга*

АСРИМИЗНИНГ БУЮК ҚУРИЛИШИГА

Байкал — Амур магистрали асримизнинг буюк қурилишларидан бири ҳисобланади. Трасса атрофида қад кўтарадиган шаҳар ва қишлоқлар қурилишида ўзбекистонликлар ҳам қатнашмоқдалар.

Ўзбекистон шаҳарсозлик лойиҳалаш илмий-тадқиқот институтида олиб борилган лойиҳа ишлари ўзининг аҳамияти билан диққатга сазовор. Ўзбек мутахассислари Чита областидаги Куандо ва Леприндо станцияларининг ва улар атрофидаги посёлкаларнинг лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Бу посёлкалар Нижне-Ангарск шаҳридан 600 километр узоқликда, тоғлик жойларда жойлашган.

Тошкентлик мутахассисларнинг тавсияси биноан қурилаётган Куандо посёлкаси 4 минг кишига мўлжалланган. У 4-5 қаватли йирик панелли уйлардан иборат бўлади. Посёлканинг ҳаётини яшаши учун ҳамма нарса муҳайё этилади. Табиат инжиқлигини ҳисобга олиб, мактаб ва болалар боғчаларида кишки усти ёпиқ ҳовузлар қуриш кўзда тутилган. Леприндо станциясидаги посёлка эса икки қаватли уйлардан иборат бўлиб, уларда 500-600 киши истиқомат қилади.

● *Қишлоққа оталиқ ёрдами*

САНЪАТКОРЛАР КОЛХОЗДА

Ўзбекистон ССР Театр жамияти правлениеси бир қатор корхоналар ва хўжаликларни ўз оталигига олиб, уларга яқиндан маданий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Оталиққа олинган хўжаликлардан бири пойтахт областининг Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозидир. Куни кеча бу хўжаликнинг маданият саройида ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йили якунлари ва 1982 йилги вазифаларга бағишланган йиғилишида пойтахт санъаткорлари ҳам қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР Театр жамияти правлениесининг раиси, СССР ва Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларининг лауреати, СССР халқ артисти Сора Эшонтўраева колхоз механизаторларига Ўзбекистон санъат муассасаларининг олиб бораётган ишлари ҳақида гапириб берди.

Шундан кейин дала механизаторлари учун берилган концертда Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик катта опера ва балет театрининг солисти, Ўзбекистон ССР халқ артисти Эргаш Пўлдошев, Ўзбек Давлат филармониясининг чолғучиси, республикада хизмат кўрсатган артист Э. Шукруллаев, «Бахор» давлат рақс ансамблининг бир қатор санъаткорлари қатнашдилар. Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг артистлари «Шошма, кўёш» спектаклидан парчалар кўрсатишди.

● *Лойиҳа устахонасида*

ЁШ ЧОЛҒУЧИЛАР МАСКАНИ

«Ўзгипросельстрой» лойиҳа институтида яқин йиллар ичида республикамизда қад кўтарадиган ёш музикачилар учун такомиллаштирилган биноларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Санъат масканлари комплекси бир, икки ва уч қаватли биноладан ташкил топади. Икки қаватли ўқув блокида бошланғич синф ўқувчилари таълим олади, учинчи қаватда эса музика санъатига доир кабинетлар, лабораториялар, устахоналар жой эгаллайди. Бундай замонавий музика маскани 150 боланинг шуғулланишига мўлжалланган. Болалар музика санъатини ўрганиш билан бирга етти йиллик мактаб программаси асосида билим оладилар.

Мактабда ўзига хос кичик санъат саройи ҳам бўлади. Унда репетициялар, ҳисобот чиқишлари ва ҳар хил конкурслар ўтказиш мумкин.

Корхона ғолиби

Тошкент тўқимачилик комбинатининг учинчи йигирув фабрикаси йигирув цехида Мейли Шабаев бошлиқ бригада ўн икки ишчидан иборат. Коллективнинг асосий қисми ёшлар. Бригада ишчилари шу кунларда зиммаларидаги топшириққа масъулият билан ёндошиб, смена топшириқларини муntазам 108-110 процентга етказиб адо этмоқдалар.

Йигирувчилар СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига давом этаётган зарбдор ҳафталикларда муваффақият билан иштирок қилишаяпти. Ўтган йилнинг сўнгги ойида бригада, ҳатто умумкомбинат социалистик мусобақасида голиб чиқди ва пул мукофоти билан тақдирланди.

Раиса Яковлевна Михайлюк бригаланинг ветеран, мураббий ишчиларидан саналади. Бу йигирувчи ҳамиша вақтдан ўзиб меҳнат қилаяпти. Куни-кеча унинг меҳнат календарида 1982 йилнинг май ойи бошланди.

Чўпон-чўлиқларга

Булка-кондитер комбинатининг учинчи ишлаб чиқаришида йил бошидан бери тайёрланиб, савдо тармоқларига юборилган маҳсулот

БУГУН

300 тоннага етди. Бу лар ҳар хил бубликлар, тешкулчалар, новвот ва бошқа маҳсулотлардир. Коллектив сирғалувчи график бўйича ишлаб, буюртмачиларга узлуксиз маҳсулот етказиб бераяпти. Ишчилар икки бригадага бўлинишган. Бу бригадаларнинг ҳар бири смена мобайнида 300 тоннадан ортиқ маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлишмоқда. Бу маҳсулотнинг 1 тоннадан ортиғи тешкулчалардир. Тешкулчаларнинг бир қисми шаҳар савдо тармоқларига чиқарилмоқда. Қолгани эса қуритилиб, қоғоз қопларга солиниб, республиканинг олис ҳайвонларидаги чўпон-чўлиқларига юборилаяпти.

Тошкент химия-фармацевтика заводида турли дори-дармонлар ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 11 процентдан зиёдга кўпаяди. Заводнинг марказий лабораториясида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ўсимлик моддалари химияси институти ходимлари билан биргаликда яратилган янги препаратлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ишлари олиб бориляпти. Ҳозирда завод 90 хилдан зиёд дори-дармонларни ишлаб чиқаряпти.

СУРАТДА: завод марказий лабораториясининг бошлиғи КПСС аъзоси Г. П. Злобина.

В. Казанцев фотоси. (ЎзТАГ).

ЯНГИ МАКТАБ

«СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида фидокорона меҳнат қилаётган 153-трестга қарашли 1-қурилиш бошқармасининг сергайрат биноқорлари шу кунларда Чилонзор районида 1176 ўринли мактаб биносини бунёд этишмоқда. Уч қаватли, тўрт блокдан иборат бу объектда биноқорлар сифатли ва унумли иш бажармоқдалар.

Айни вақтда қурувчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа кенг авж олдирилиб, СССР 60 йиллиги шарафига бажарилаётган ҳафталикларга зарбдорона якунланяпти.

Бу объект қурилишига 1 миллион 940 минг сўм маблағ ажратилган бўлиб, қурувчилар материалларни тежаб-тергаб сарфлашга эътибор бериб ишламоқдалар. Улар бинони муддатидан бир ой илгари фойдаланишга топширишга аҳд қилиб, ойлик план топшириқларини 120-125 процент адо этмоқдалар.

МУТАХАССИСЛАР УЧУН МАКТАБ

Ишларга касб-кор ўргатиш билан шуғулланадиган мутахассислар машғулотларни бошладилар. Ўзбекистон ССР Меҳнат давлат комитети республика пойтахтида улар учун мактаб очди. Ҳунар-техника таълими системаси ходимлари, республика корхоналарининг вакиллари, жамоат ташкилотларининг намояндалари мамлакатда ва чет элларда касб ўргатишга оид тўпланган илғор тажрибани бир ой мобайнида ўрганадилар, янги методик қўлланмалар билан танишадилар. Етакчи олимлар, экономистлар, педагоглар, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари улар ҳузурида лекциялар ўқийдилар. (ЎзТАГ).

Юбилей шарафига

Айни кунларда пойтахтимиздаги корхона ва муассасаларда муҳим сана — СССР 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг авж олган.

«ГипроНИИполиграф» давлат лойиҳа илмий-тадқиқот институтининг Тошкент филиали коллективи ҳам юбилей шарафига фидокорона меҳнат қилиб, янги-янги ютуқларни қўлга киритмоқда. Бу ерда босмахоналар, китоб магазинлари, нашриёт ва шу сингари биноларнинг лойиҳаларини яратиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

БУГУН

институт лойиҳачилари Семипалатинск области босмахонаси биноси лойиҳасини ишқоясига етказадилар.

Лойиҳа бош инженери А. М. Левин. Босмахона бир йилда 150 миллион босма лист маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, унинг лойиҳаси ва қурилиш учун 2 миллион 800 минг сўмлик маблағ ажратилган. Босмахона қурилишига тез кунда киришилиб, уни 1983 йилда фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

ИЛҒОРЛАР ШИОРИ

Пойтахтимиздаги агрегат заводида 10-цех коллективи пешқадамлардан ҳисобланади. Цех коллективи ўтган йилнинг топшириқларини муваффақиятли якунлади. Цехда 320 ишчи бўлиб, 9 бригада меҳнат қилади. Булар орасида Ильдар Рафиқов ва Николай Марейченко бошлиқ бригадалар вақтдан ўзиб ишлаб, бошқа бригадаларга намуна бўлмоқдалар. Цех ишчилари редуктор деталларини ишлаб чиқарадилар.

— Ишчиларимиздан, — дейди цех партия ташкилоти секретари А. В. Нерозников, — КПСС аъзоси Борис Бичков 1982 йилнинг июль ойига, Анна Кузнецова, Турсунмуҳаммад Назаровлар 1982 йилнинг май ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Цех коллективи СССР ташкил топган кунининг 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафталикларида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда. Уларнинг шиорлари «Кўплаб сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш»дир.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ҒОЯВИЙ ЧИНИҚИШ

Тошкент трактор заводи ёш коммунистлар мактаби тингловчиларининг ягона снёсий кун ўтказишда қатнашганлиги улар олган билимларнинг ўзига хос синови бўлди. Тажрибали лекторлар, «Билим» жамияти аъзолари ва корхона раҳбарлари билан бир қаторда ёш коммунистлар ҳам цехларнинг меҳнаткашлари ҳузурида СССР халқларининг қардошлик дўстлиги ва ленинча миллий снёсатининг тантанаси тўғрисида доклад қилдилар ва суҳбатлар ўтказдилар.

Завод партия комитети қошида ташкил қилинган мактабда ўнлаб КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар таълим олмоқда. Улар марксизм-ленинизм классикларининг асарларини, КПСС XXVI съезди материалларини, ўртоқ Л. И. Брежнев асарларини ўрганадилар.

Токарь Муҳаммаджон Тешабоев автомат цехи ишчилари билан ўтказган суҳбат марокли бўлди. Тошкент трактор заводи эндигина қад кўтараётган пайтда Россия, Белоруссия ва Украинна машинасозлари унга қардошлик ёрдами кўрсатганликлари ҳақида ҳикоя қилиб берди. М. Тешабоев ўзи қардош республикалардан келган ҳамкасблари билан ёнма-ён туриб янги машина-ускуналарни қандай ўзлаштирганликини, тракторларнинг дастлабки деталларини ишлаб чиқарганлигини эслади. Дўстлар ёрдами билан орттирган маҳорати токарга ишлаб чиқариш пешқадами бўлиб етишиш имконини берди. Муҳаммаджон меҳнатда эришган муваффақиятлари учун Ватаннинг олий мукофоти — Ленин ордени билан мукофотланган. (ЎзТАГ).

Пойтахтга икки марта сафар

Тошкентдаги 56-ихтисослаштирилган автомобиль базасининг коллективи турли корхоналарнинг ҳар хил юмушларини бажариш билан банд бўлади. Автобазанинг ҳайдовчилари хизмат командировкаси билан Ўзбекистоннинг барча шаҳарларига ва мамлакатимизнинг энг узоқ манзилларига тез-тез қатнаб турадилар.

Айниқса энг олис манзилларга боришда тажрибали ва абжир ҳайдовчиларнинг маҳорати халқ хўжалиги ишларини ўз вақтида бажаришда қўл келмоқда. Бундай шоферлар Виктор Корягин ва Владимир Ципляковлардан иборат экипажлар. Бу ҳайдовчилар кейинги ойларнинг ўзида Ватанимиз пойтахти Москва ва унинг атрофига икки марта «КаМАЗ» маркали юк машинасида халқ хўжалик юкларини олиб бордилар. Экипаж куни-кеча иккинчи сафардан қайтиб келди. У пойтахт областидаги корхоналарнинг маҳсулотларини Москва атрофидаги машиналарга етказиб берди. Экипажнинг маълум қилишича бориш ва келиш учун ҳаммаси бўлиб 6 минг 600 километрдан зиёд йўл муваффақиятли босиб ўтилди. Машина ҳамма вақт яхши ремонтдан чиқарилиб, ишга шай қилинганлиги, эҳтиёт қисмлар етарли бўлганлиги учун йўлда унчалик қийинчилик бўлмади.

Корхонанинг Владимир Кожухарев ва Пётр Крошенников сингари ҳайдовчиларидан иборат экипаж ҳам Москвага ана шундай сафар билан муваффақиятли бориб келди.

Республика бўйлаб

Сариосиё шағал саралаш заводи ишлаб чиқараётган шағалга Сифат белгиси берилди. Завод маҳсулоти республиканинг энг катта гидротехника қурилишларига, шунингдек Афғонистонга етказиб берилмоқда.

∴ ∴ ∴

Зирабулоқ ремонт механика заводи коллективи Ғарбий Сибирь ва БАМ қурувчиларига қирқта кўчма уй жўнатди. Ҳозирги вақтда корхона вагончаларнинг олти хил турини ишлаб чиқармоқда. Улардан турли вариантларда турар жой, овқатхона, душхона сифатида фойдаланиш мумкин. Бу йил металчилар 1200 та ана шундай уй тайёрлаб берадилар. Бу эса ўтган йилдагидан икки юзта кўпдир.

∴ ∴ ∴

Андижон ахолиси ва меҳмонлари энди посилка юборадиган яшчиларни қидириб юрмайдилар. Ҳозирги вақтда ҳар бир почта бўлими ёнида қад кўтарадиган илмий шахарчанинг қиёфаси кўзга ташлана бошлади. Бу ерда яқин орада Ўзбекистон шоҳичилик илмий-тадқиқот институтининг янги биноси қурилади. Маъмурий бинолар, лабораториялар билан бирга турар жой корпуслари, маданий-маиший объектлар ҳам қад кўтаради.

∴ ∴ ∴

Андижон пахтачилик институтининг коллективи ўзига хос юбилейни нишонлади. Совхоз ва колхоз раҳбарлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари учун бу ерда ишлаб турган малака ошириш курсларида деҳқонлардан икки яримминг киши ўз малакасини оширди. Уларнинг ҳаммаси институтда пухта назарий тайёргарликка эга бўлдилар, фан ва техниканинг энг янги ютуқлари билан танишдилар, бугунги кунда амалда муваффақиятли қўлланилаётган хўжалик юритишнинг илғор методларини ўзлаштирдилар. (ЎзТАГ).

телетайп лентасидан

♦ КОБУЛ. Афғонистон пойтахтида АДР маориф министрлиги ҳузурида ташкил этилган махсус ўқитувчилар тайёрлаш курсини битириб чиқиш маросими бўлиб ўтди. Шу курсларни битириб чиққан 450 дан ортиқ киши турли фанлар ўқитувчиси деган диплом олди. Улар Кобулнинг ва мамлакатдаги кўпгина вилоятларининг мактабларида ўқитувчи бўлиб ишлайдилар.

♦ САНО. Ҳудайдо порти да бешинчи причални тантанали очиш маросими бўлди. 1961 йилда Совет Иттифоқининг техникавий ва иқтисодий ёрдами билан қурилган бу порт Шимолий Яман тарихида янги давр очди. Шимолий Яман кўп асрлар давомида иқтисодий жиҳатдан ташқи дунёдан ажралиб қолган эди. Порт ишга туширилиши билан Яман Араб Республикасида социал-иқтисодий жиҳатдан жадал ривожланиш даври бошланди.

Шимолий Яманда Ҳудайдони мамлакатнинг денгиз дарвозаси деб айтишади. Юкларнинг асосий қисми, шу жумладан Яман Араб Республикасига келтирилаётган товарларнинг қарийб 80 проценти мана шу порт орқали ўтади. Бу ишда совет бинокорлари ва бошқа мутахассислар анча-мунча хизмат қилишди. Улар портни кенгайтиришда, янгилаш ва ундан фойдаланишда ёрдам бериб турибдилар.

♦ БАҒДОД. Ироқ пойтахтининг шимолий қисмида Дажла дарёси орол-ларидан бирида катта туристик комплекси қурншга киришилди. Бу ерда сунъий кўл яратилади. 60 метр баландликда иузатиш минораси, волейбол ва баскетбол майдончалари, теннис корти ва сузиш ҳовузи бўлган спорт шаҳарчаси қурилади.

Ҳозирги вақтда дашт-дан иборат бу оролда дарахтлар ва манзарали буталар ўтқазиш, сел сувларидан ҳимоя қилиш учун баланд соҳиллар қуриш кўзда тутилган.

Бу ер Ироққа энг катта туристик комплекс дир. Уни қуриш учун 24 миллион динор маблағ ажратилди.

♦ КУВАЙТ. Арриёдда денгиз сувини саноат учун чучуклаштириш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Саудия—Япония битими имзоланди. Битимда жумладан, Саудия Арабистонида шу проблеманинг турли жиҳатларини ўрганиш ва мутахассислар тайёрлаш учун илмий-тадқиқот ва таълим маркази қуриш мўлжалланмоқда. Сув чучуклаш комплекси иншоотн Арабистон ярим оролидаги бир қанча мамлакатларнинг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини таъминлаши керак. Мазкур араб мамлакатларида ҳозирча ҳақиқатда табиий ичимлик сув манбалари йўқ.

♦ АНҚАРА. Анқара, Мугла ва Измир шаҳарларида Туркия хавфсизлик органлари томонидан ўтказилган тинтув давомида «Дев-сол» экстремист-террорчи ташкилотнинг 51 аъзоси қамоққа олинган. Улар ҳукумат вакилларига қурол билан ҳужум қилишда, снёсий қотилликни уюштиришда, бомбалар портлатиш ва банкларни талашда айбланадилар. Қамоққа олиш вақтида террорчилардан 14 та қурол-яроғ мусодара қилиб олинди. 1980 йил сентябрь ойида Туркияда ҳарбий тўнтариш бўлгандан бери ўтган вақт мобайнида террорчиликда айбланиб 25 мингга яқин киши қамоққа олинган.

♦ ИСЛОМОБОД. Покистонда энг зарур саноат моллари нархи ҳар йили 15 процент ошмоқда. Маҳаллий мутахассисларнинг фикрича, шу йилнинг ўрталаридаёқ мамлакатда нарх-навога 35 процент кўтарилади.

♦ ТЕҲРОН. Эронда Америка «Интернэшнл бизнес машинз» компаниясининг маҳаллий филиалхонаси давлат ихтиёрига олинганлиги эълон қилинди. Техрон радиосининг хабар беришича, фирманинг барча мол-мулки, шу жумладан ҳар хил моделдаги юзга яқин электрон-ҳисоблаш машиналари, шунингдек фирма бўлимларининг ҳамма маблағлари ҳукумат ихтиёрига ўтган. (ТАСС).

МЕҲНАТНИ БРИГАДА УСУЛИДА ТАШКИЛ ЭТИШГА — ПАРТИЯВИЙ ҒАМХЎРЛИК

КПСС XXVI съезди томонидан экономикани жадал ривожланиш йўлига ўтказиш бўйича қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши кўп жиҳатдан бошқарув даражаси, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик органларининг хўжалик юритиш механизмини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришдаги мавжуд резервларни аниқлаш ва улардан тўла фойдаланиш бўйича фаолиятига боғлиқ.

Шундай резервлардан бири меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада усулини кенг жорий этишдан иборатдир. Бу усул КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўн биринчи беш йилликда асосий меҳнат формаларидан бўлиб қолади.

Бригада формаси такомиллашуви билан бирга партия ташкилотлари структураси такомиллашади, партия комитетлари ва бюролари бригадалар томонидан ишлаб чиқариш ва тарбия масалаларини тўғри ҳал этиб боришлари бўйича изчил тадбирлар белгилайди.

Тошкент шаҳар партия комитетида бўлиб ўтган партия-хўжалик активи йиғилиши қатнашчилари партия ташкилотларининг меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасини кенг ёйиш бўйича иш тажрибаларини муҳокама қилдилар. Бу илғор иш методини янада ривожлантириш, унинг қарор топишига партия таъсирини кучайтириш бўйича вазифаларни белгиладилар.

Тошкент самолётсозлари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилидаги давлат плани ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли уддалаб, янги йилда янада самарали меҳнат қилишяпти. Бунга кўп жиҳатдан меҳнатни ташкил этишнинг бригада усули имкониятларидан самарали фойдаланилаётганлиги ва бу усул кенг ривожланаётганлиги туфайли муваффақ бўлинаётганлигини йиғилишда сўзлаган В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси механика цехининг комплекс бригадаси бошлиғи И. Басанец таъкидлаб ўтди.

Ҳозир бирлашмада 2 мингга яқин бригада ишлаяпти. Бу бригадалар корхонадаги ялпи маҳсулотнинг 65.5 процентини ишлаб чиқаради. Мен бошлиқ бригада 1980 йилнинг май ойида ташкил этилган ва у 8 кишидан, шу жумладан, уч шогирд ишчидан иборат. Бизнинг бригадамизни ташкил этган ишлаб чиқариш группаси узоқ вақт планни бир текис бажаролмай юрганди, шошилинч топшириқларни ҳам кўп вақт ўз муддатида адо этолмасдим.

Бригада ташкил этилгач, уч ой ўтгандан сўнг, группа социалистик мусобақада пешқадамлар сафидан ўрин олди ва ҳозир илғор саналади.

1981 йил планини биз муддатидан аввал бажардик, меҳнат унумдорлиги бригадада 13.6 процент ўсди, иш ҳақи 10.3 процент ўсди, қўнимсизлик барҳам топди. Бу ютуқлар бирлашмадаги барча бригадалар учун хосдир.

Бригадада иш ҳақи тақсимоти муҳим масала саналади. Бунда меҳнатига қараб ҳақ тақсимлашга алоҳида эътибор берилади. Янги ишбай шароитида биз сифат нормасига қарардик. Бригадада эса бу норма меҳнатнинг умумий баҳосини беради, ишчининг иш ҳақи унинг асл улуши билан белгиланади. Биз тажрибада шунга ишонч ҳосил қилдикки, ёш ва малакасиз ишчиларга коэффициентсиз умумий иш ҳақи белгиланади. Чунки бригада ёш ишчини қўллаб-қувватлаш лозимлигини билади.

Бригада таркиби ва малакаси бўйича стабиллашгандан сўнг, меҳнатдаги иштирок коэффициенти системасини жорий этиш маъқул.

Меҳнатни ташкил этишнинг бригада усули ишчиларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришда кенг иштирок этишини таъминлайди. Шу мақсадда бригадада бош директор раислигида, ишлаб чиқариш, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, мутахассислар ва бригадирлар иштирокидаги координацион кенгаш тузилган. Раҳбарлар, мастерлар, мутахассислар, бригадирлар билан ўқув машғулотлари ўтказилди. Цех партия ташкилотлари структурасида жиддий ўзгаришлар бўлди, бригадаларда партгруппалар ташкил этилди ва партия ташкилотчилари тайинланди. Цехларда ва бирлашмада бригадирлар кенгаши тузилди, унинг мажлисларида кенг доирадаги масалалар қараб чиқилади. Коллективларнинг ишига якун ясалади, келгусидаги вазифалар белгиланади. Мажбуриятларнинг бажарилиши, меҳнат интизомига, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши текширилади. Ҳал этилмаган масалалар ўз вақтида аниқланади ва раҳбарликка таклифлар айтилади. Булар ҳаммаси ижобий натижа беряпти, бригадалар иши самарадорлигини оширяпти, меҳнатни ташкил этишнинг бригада усулини ривожлантиришда қўл келяпти.

— Бригада усулида бригада аъзоларининг ишнинг пировард натижаларидан шахсий ва коллектив манфаатдорликлари ортади, коллективизм, ўртоқларча ўзаро ёрдам туйғуси ривожланади, ишлаб чиқаришни бошқаришда ишчиларнинг иштироки кенгаяди, меҳнат интизоми мустаҳкамланади, кадрлар қўнимсизлиги камаяди, — деб таъкидлади чинни заводи бригадири З. Бобожонова. — Айнан шунинг учун ҳам бизда бригада пудрати кенг ёйилмоқда. Масалан, қолиплаш цехида 6 бригада, печ цехида 4 бригада, рассомлик цехида, саралаш участкасида 52 киши бригада усулига ўтди.

Мастерларнинг ишлаши ҳам осон бўлиб қолади, улар аслида ишчиларга кўз-қулоқ бўлиб туришдан, бригада аъзолари ўртасида меҳнатни тақсимлашдан қутиладилар. Мастерда инженерлик масалаларини ҳал этиш, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан тайёрлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳақида қайғуриш учун вақт пайдо бўлади.

Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада усули шуни кўрсатаяптики, ишлаб чиқариш бригадалари беш йиллик, йиллик, квартал, ойлик планлар олишлари мақсадга мувофиқдир. Бригадага ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичлари, маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган меҳнат харажатлари ва бошқа бир қатор иқтисодий кўрсаткичлар бригада ишининг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда маълум қилинади.

Биз бригадани фақат хўжалик-иқтисодий ячейка эмас, балки ишчи коллективларида сиёсий-тарбиявий фаолиятнинг асосий звеноси ҳам деб қараймиз. Шу муносабат билан завод партия ташкилоти меҳнатнинг янги усулига ўтмаган бригадаларда катта ташкилотчилик ишлари олиб бораяпти. Бундан асосий мақсад меҳнатнинг янги усули афзалликларини заводнинг ҳар бир меҳнаткаши онгига сингдиришдан иборатдир.

— Трестимизнинг хўжалик ҳисобидаги бригадалари ишига коммунистлар катта ёрдам беришаяпти, — дейди 11-«Висотстрой» тресги 1-қурилиш бошқармаси партия ташкилотчиси О. Мартинова. — 16 бригададан 8 тасига коммунистлар бошчилик қилишмоқда. 12 бригадада партия группалари ташкил этилган, тўрттасида эса партия ташкилотчилари тайинланган.

Мен бошлиқ партгруппага 14 коммунист бирлашган. Партия группасининг бош вазифаси коллективни план топшириқлари ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажаришга жалб этишдан иборат. Партия группаси ўз йиғилишларида бригада бажараётган қурилиш-монтаж ишлари сифатининг аҳволи, техника хавфсизлиги ҳолати, қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми масалаларини муҳокама қилади. Коммунистларнинг уставдаги мажбуриятлари ва партия топшириқлари қандай бажарилаётганлиги тингланади.

Мана, бир мисол. Коммунист Сафоев бошлиқ дурадгорлар звеноси опалубкаларни сифатсиз ўрнатди. Партия группаси қарори билан шу куниёқ бригаданинг умумий йиғилиши ўтказилди. Бу йиғилиш қарорида звенога иш соатидан ташқари вақтда опалубкаларни тўғрилаб қўйиш вазифаси юклатилди. Ҳозир бу звено илғорлар сафидадир.

Трест бригадалари ўртасидаги социалистик мусобақага якун ясалаётганда биз шуни аниқладикки, бригадамиз аъзоси ўртоқ Дружининнинг уч кун бесабаб прогул қилганлиги оқибатида, бригада гарчи техника-иқтисодий кўрсаткичлари бошқа бригадалардагидан дуруст бўлишига қарамасдан, мукофотли ўриндан маҳрум бўлган. Партия группаси бригада аъзоларига икки ой муддатга Дружининнинг разрядини пасайтиришни таклиф этди, бригада аъзолари бу таклифни қўллаб-қувватлашди. Бу барча учун сабоқ бўлди, ҳозирги пайтда бригадада прогулчилик юз бермаяпти.

Партия группаси амалга ошираётган ишлар ижобий натижа бераяпти. Иш натижаси бўйича бригада мунтазам трестда совринли ўринни эгаллаб келмоқда. Бизда меҳнат интизомини бузиш ҳолларига қарийб буткул барҳам берилган, материаллардан тежаб-тергаб фойдаланилади, бригада аъзолари ҳар бир иш минутини тежашга ҳаракат қилишади, тез-тез шахсий ташаббус кўрсатишади, илғор тажрибалардан самарали фойдаланишга интилишади, конструкциялар ва қурилиш материалларининг сақланишини кузатишади, ҳар бир кишининг умумий иш учун масъулияти ортди.

— Бригадалар ташкил этилиши муносабати билан барча оммавий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни биз бригада коллективларида амалга ошира бошладик, — деб таъкидлади В. И. Ленин номли электрон-техника заводи партия комитети секретари М. Расулов. — Йирик бригадаларда 28 партия группаси ташкил этилган, коммунистлар миқдори учтадан кам бўлган бригадаларда эса партия ташкилотчилари тайинланди. Шунингдек, касаба союз ва комсомол группалари ҳам тузилаяпти. Меҳнатни ташкил этишнинг коллектив усули ижобий натижа беряпти.

Бизнинг бригадамизда меҳнат интизомини бузишнинг энг арзимас ҳоллари ҳам эътиборсиз қолмайди. Бригадага кириб қолган инсофсиз ходимлар ёки ўз бурчларига муносабатни ўзгартириб, барча қатори ишлай бошладилар ёки коллективнинг қатъий норозилигига дуч келиб, бригададан кетишга мажбур бўлдилар. Барча ишчилар билан иш олиб борилялти. Коллектив меҳнат ўз-ўзидан меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми мустаҳкамланишининг яхши омили ҳисобланади. Бизда аслида ҳозир прогул йўқ, ишга кечикиб келиш кескин камайди. Технологияни бузиш ҳам қисқарди, ҳар бир ишчининг ўз иши ва ўртоқлари ишига бўлган масъулияти, онглилик ўсди. Буни қандай таърифласа бўлади. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, бригаданинг ҳар бир аъзосининг хулқи ва иши коллективнинг жамоат фикри билан назорат қилинади. Шу билан тарбия жараёни бригаданинг кундалик меҳнати билан қўшилиб кетди ва меҳнат унумдорлигини юксалтириш омили бўлиб қолди.

Тажриба шуни кўрсатаяптики, бригада ва унинг бошлиғи доимий ва қатъий эътибор беришдан ташқари, ёрдамга, қўллаб-қувватлашга муҳтож экан. Афсуски, бу масалада бизда ҳали жиддий нуқсонлар бор. Биз ҳали бригадаларни хўжалик ҳисобига суст ўтказаяпмиз.

Бирлашмамиз партия комитети 1982 йилда заводдаги халқ университети қошида бригадирларни ўқитиш учун махсус факультет ташкил этиш ниятида. Бригадирларимизнинг талайгина қисми ҳозирнинг ўзида заводдаги кечки техникумда таълим олаяпти.

— Меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг бригада усулини жорий этишнинг дастлабки даврида бизда ҳамма нарса ҳам кўнгилдагидек бўлди дейиш қийин, — деди «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Б. Эргашев. — Меҳнатнинг янги усулини ҳамма ҳам тўғри тушунмади. Бу биринчи навбатда ишлаб чиқариш нормасини мунтазам 130—140 процент адо этаётган айрим ишлаб чиқариш илғорларига таалуқли. Дастлаб уларнинг иш ҳақи анча пасайиб кетди. Кейинчалик меҳнатни меҳнатдаги иштироки коэффициенти орқали баҳолаш мезонини такомиллаштиришга тўғри келди ва шу асосда иш ҳақидаги камситишларга чек қўйилди.

Бригада коллективларида бригадирлар ва партия ташкилотчилари ролини оширишга катта аҳамият берилди.

Цехларда ва ишлаб чиқариш участкаларида бу усулнинг афзалликлари бўйича катта тушунтириш ишлари олиб борилди, бир қатор ташкилий тадбирлар ўтказилди. Бригадирларни тайёрлаш бўйича махсус курс ташкил этилди. Унда 126 киши 84 соатлик программа бўйича таълим олди. Марказий комиссия, партия комитети, жамоат ташкилотлари мажлисларида тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги, бригадаларнинг амалий фаолияти ҳақидаги айрим масалалар муҳокама қилиб борилди. Амалга оширилаётган тадбирларнинг бутун комплекси 1981 йилда жами 1026 ишчиси бўлган 42 бригадани ёки ишбай усулида ишлаётганларнинг 32 процентини ягона наряд бўйича ишлашга ўтказиш имконини берди. Иш натижаларидан коллектив манфаатдорлигининг ортиши, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг мустаҳкамланиши, бири-бирининг ўрнида ишлаши мумкинлиги иш ҳақи 6—8 процент ўсгани ҳолда, меҳнат унумдорлигини 10—12 процент юксалишини таъминлаш имконини берди. Ишлаб чиқариш нормасини бажармаётганлар 30 процентга камайди.

Ишнинг илғор усулини жорий этишдан ўтган йили қўрилган фойда 47 минг сўмни ташкил этди. Амалга оширилаётган ишлар бирлашма раҳбарлари, партия, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларининг бригада коллективлари олдидаги вазифаларни муваффақиятли адо этиш бўйича биргаликда куч-ғайрат сарфлаётганликлари натижасидир.

— Бригада составида ишлаш ҳар бир кишининг умумий меҳнат натижаси учун масъулиятини анча оширади, деб таъкидлади трактор заводи комплекс бригадасининг бошлиғи Г. Мараров. Бунга ҳар бир кишининг меҳнатда қатнашиш коэффициенти бўйича ҳақ тўлашнинг ҳаққоний системаси ҳам имкон беради. Ҳар бир ишчи бригада, цех, завод кунлик графигини бажаришни таъминлашга ҳаракат қилади. Бригадамиз уч хил вал тайёрлайди. Улар трансмиссияга боради. Бизнинг механика-йиғув цехимиз уларни йиғади. Бош конвейер иши трансмиссиянинг ўз вақтида деталларни беришига боғлиқ. Демак, бутун трактор тайёрлаш жараёни шунга боғлиқ. Бригаданинг ҳар бир аъзоси буни яхши тушунади.

Завод партия комитети, цех партия ташкилоти ва завод дирекцияси бригадани ташкил этишда, коллективни шакллантиришда, унда соғлом кайфият яратишда катта ёрдам бераяпти. Улар комплекс бригадалар ишини мунтазам кузатиб боришаяпти. Меҳнатни ташкил этиш ва иш шароитларини яхшилаш бўйича кўпгина масалаларни ҳал этишяпти, муайян ташкилий, партиявий ва тарбиявий ишлар олиб боришяпти. Бригадирларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тўғрисида, бригадаларда партия группалари тузиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳақида ғамхўрлик қилишяпти. Бригадаларда ишловчи коммунистларнинг етакчилик ролини ошириш юзасидан тегишли чоралар кўриляпти. 1981 йилда партия комитети меҳнатни бригада усулида ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш масалалари, ишни планлаштиришни яхшилаш, мусобақани ривожлантириш, бригадирлар ўқуви бўйича барча асосий цехлар раҳбарларининг ҳисоботларини тинглади.

Январь ойидан бошлаб махсус программа бўйича бригадирлар машғулоти ташкил этилди. Завод бўйича бригадирлар слёти ўтказиш, завод раҳбарлари ва етакчи мутахассислари учрашувларини ўтказиш анъана бўлиб қолди.

СУРАТДА: актив йиғилиши қатнашчиларидан бир группаси (чапдан-ўнгга) 1-автокомбинат илғор бригадирлари А. Аблаев, Т. Каримхўжаев, «Промсвязь» заводи бригадири П. С. Киселев, «Ташпромстрой»нинг 57-қурилиш-монтаж бошқармаси бригадири Т. Ҳакимов, 1-автокомбинат бригадири А.К. Ермолов, «Отделстрой» тресги бўёқчиси Л. Умарова, «Ташсантехгазмонтаж» тресги бригадири А. Гулматов ва «Промсвязь» заводи бригадири Б. Д. Иштокин ўртоқларни кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

Коллективимиз иш тажрибаси шундан далолат бериб турибдики, ишнинг бригада усули ижобий янгиликдир, деб таъкидлади 2-автокомбинат ҳайдовчиларининг бригадири А. Маловик. Барча бригадалар социалистик мажбуриятларини муваффақиятли адо этмоқдалар. Менга ишониб топширилган бригада 1980 йили ташкил этилган. У 40 кишидан иборат. 5 кишидан иборат бригада совети сайланди. Унинг мақсади коллективни қўйилган вазифаларни бажаришга сафарбар этиш, бригада ҳар бир аъзосининг ишини мунтазам таҳлил қилиш ва керак пайтларда ёрдам кўрсатишдир.

Бригада совети мунтазам йиғилишлар ўтказиб турибди. Бригадир ва партия группаси ташкилотчиси билан бригаликда ўн кунлик, бир ойлик ишлар якунини таҳлил этаяпти, бригада ҳар бир аъзосининг қўшаётган ҳиссасини аниқлаяпти. Мукофотларни, иш ҳақига қўшимча ҳақларни тақсимлаш масалаларини ҳал этаяпти, партия, касаба союз ташкилотлари ва маъмуриятга ўз таклифларини киритяпти.

Ҳар бир ҳайдовчи ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришга мумкин қадар кўпроқ ҳисса қўшадиган, йўловчиларга хизмат маданиятини яхшилайдиган, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган бўлиб қолди. Бундан ташқари ҳар бир ҳайдовчининг бутун бригада иши учун шахсий масъулияти ошди. Уларнинг коллектив ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги активлиги кучайди.

Бригадада меҳнат ана шундай ташкил этилгани ва тарбиявий ишлар йўлга қўйилгани план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш имконини бераяпти. Бригадамиз беш йиллик топшириғини тўрт йилда бажариш мажбуриятини олди.

— Бригада ишининг муваффақияти кўп жиҳатдан меҳнат жўшқинлигига боғлиқ. Шунинг учун касаба союз группаси социалистик мусобақа масалаларига мунтасил эътибор бераяпти, дейди пардозлаш-қурилиш тресги 34-бошқармасининг касаба союз группаси ташкилотчиси Л. Умарова. Агар илгари иш якунларини ҳар ойда якунлаган бўлсак, энди ҳар ҳафтада якунлаяпмиз. Касаба союз группасига секторлар бўйича раҳбарлар сайланган. Мен социалистик мусобақа масалалари билан, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати, ишни планлаштириш масалалари билан шуғулланаман. Бригадамизда прогулчилар йўқ.

Биргина мисол келтираман. Бригадамизда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги аҳволи унчалик яхши эмас эди. Жамоатчи инспектор эътирозига прораб ва катта прораб ҳеч қандай чора кўрмаган. Шунда биз касаба союз группаси йиғилишига бирлашган қурилиш комитети раиси, бошқарманинг бош инженерини таклиф этдик. Яхши суҳбат бўлди.

Эндиликда техника хавфсизлиги масалалари бўйича шикоятлар йўқ. Биз ўзимиз дастгоҳ ва ускуналарнинг, барча механизмларнинг созланган бўлиши, иш кийимлари тоза бўлиши учун қайғуряпмиз.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. УМАРОВ шуни таъкидлаб ўтдики, Тошкент партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг янги усулига ўтиш борасида кўп иш қилмоқдалар. Ҳозирги вақтда саноат, қурилиш ва транспортда беш мингга яқин бригада мавжуд. Кейинги икки йил ичида фақат саноатдагина бригадалар сони 1,8 марта кўпайди. Улар шаҳар корхоналари ишлаб чиқараётган барча саноат маҳсулотларининг 35 процентдан зиёдроғини ишлаб чиқараяпти. Бир қатор корхона ва ташкилотларда ишчиларнинг 50 процентдан зиёди меҳнатни ташкил этишнинг ана шу прогрессив усулига жалб этилган.

В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташкентхлеб» бирлашмаси, «Ташсельмаш», трактор заводларида ва бошқа бир қатор корхоналарда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада усулига ишчиларнинг 60 процентдан зиёдроғи жалб этилган.

Меҳнатни ташкил этишнинг бригада усули бўйича шаҳар қурилиш индустрияси ходимлари қизиқарли тажриба тўплашган. Бу ерда фақат кейинги уч йил ичидагина Злобин методи асосида ишлаётган бригадалар сони 1,4 марта ошди.

Шаҳар транспортчилари меҳнатни ташкил этишнинг бригада усулини ривожлантириш бўйича кўп иш қилмоқдалар.

Меҳнатни ташкил қилишнинг бригада усулига ўтиш саноат, қурилиш ва транспортда меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини ошириш имконини беряпти.

Уларнинг структурасида бригадалар сони ошиши билан бир қаторда иш услубида чуқур сифат ўзгаришлари содир бўляпти. Ҳозирги вақтда саноатда 3 минг 800 бригада комплекс бригадалар ҳисобланади. Улар турли касбдаги ишчиларни қамраб олган. Уларнинг кўпчилиги ягона наряд бўйича, ишнинг сўнгги натижасига қараб меҳнатга ҳақ тўлаш асосида ишламоқдалар.

Меҳнатни ташкил этишнинг янги усулида ишлаётган кўпгина бригадалар фаолиятини ташкил этиш шуни кўрсатяптики, уларда одатда техника, хом ашё, материаллардан янада самаралироқ фойдаланиляпти, ортиқча сарфлар, ишлаб чиқаришга алоқаси бўлмаган харажатлар қисқаряпти, меҳнат унумдорлиги ошяпти.

Айни пайтда бундай бригадаларда ишчи ишлаб чиқаришни бошқаришда илк қадамлар қўймоқда. Умуман коллектив ҳал этаётган умумдавлат вазифалари бригада олдида конкрет шаклда ифодаланмоқда. Бригаданинг кучи шундаки, коллектив вазифаларни ҳал этишга ҳар бир ишчининг шахсий қизиқишини ҳисобга олган ҳолда киришади. Меҳнатни ташкил этишнинг бригада усули фақат ишни қизиқиш билан бажаришгина эмас, балки бутун коллектив ишини худди ўзининг иши каби адо этишга ундайди. Чунки бу иш ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатидан ишчиларни қизиқтиради, ишнинг муваффақиятли, унумли бўлишидан улар манфаатдордирлар.

Меҳнатни ташкил этишнинг янги усули ишчиларни ишлаб чиқаришни бошқаришга ўргата бориб, уларда актив ҳаётий позицияни намоён қилишга, янги ватанпарварлик ташаббуслари туғилишига ёрдам беряпти.

Бригада усулини ривожлантириш партия ташкилотларининг катта эътибор беришини талаб этади. Уларнинг кўпчилиги бригадаларнинг қарор топиши ва ривожланишига партиявий таъсирни кучайтириш, коллективларда партиявий ядрони мустаҳкамлаш учун ўз вақтида чоралар кўришяпти.

Кўпчилик меҳнат коллективларида бригада усулини ривожлантириш натижасида партия ташкилотлари структураси ҳам такомиллашиб боряпти. Бригадани мустаҳкамлаш, унда коммунистлар сонини кўпайтиришдан фойдаланиб, партия ташкилотлари бевосита бригадаларда партия группаларини активлик билан ташкил этишяпти. «Средазкабель» бирлашмаси, «Миконд» заводлари ва бошқа бир қатор корхоналардаги партия группаларининг иш тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, улар меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг янги усулига сезиларли таъсир кўрсатишяпти, бригадаларнинг ишлаб чиқариш ва тарбиявий функцияларини янада тўлароқ амалга оширишда ёрдам беришяпти.

Партия группаларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишлари бригадалар фаолияти натижаларига ижобий таъсир кўрсатяпти, меҳнат коллективи ҳар бир аъзосига партиявий таъсир кўрсатиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишда ёрдам беряпти.

Район партия комитетлари, партия комитетлари бригада пудратини ташкил этиш масалаларини партком, бюролар йиғилишларида муҳокама қилишга катта эътибор берадиган бўлиб қолдилар, бригадирларга, партия группалари ташкилотчиларига таълим бериш яхшиланди.

Ленин, Фрунзе, Собир Раҳимов район партия комитетлари, электрон-техника, трактор, «Ташсельмаш» ва бошқа заводлар партия комитетлари қошида партия группалари ташкилотчиларининг доимий ишловчи мактаблари ва семинарлари ташкил этилган.

Шу билан бирга баъзи партия ташкилотлари қуйи ишлаб чиқариш звеноси структурасида содир бўлаётган ўзгаришларни ўз вақтида ҳисобга олмай, бригадаларда партиявий таъсирни кучайтириш учун янги имкониятлардан фойдаланишмаяпти. Масалан, лак-бўёқ ва экскаватор заводлари, «Гордорстройремонт» тресги партия ташкилотларида бир неча йиллар мобайнида меҳнатни ташкил этишнинг бригада усулига ишчилар кам жалб қилинган.

Район партия комитетлари, партия ташкилотлари коллективларда меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада усулини жорий этишга катта эътибор беришлари керак, бу муҳим масалани муваффақиятли ҳал этишга партия ва ҳукумат кўрсатмаларини бажариш бурчи, деб қарамоқлари лозим.

Йиғилиш қатнашчилари қарор қабул қилишди, унда таъкидланишича, партия, касаба союз ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада усулини ҳамма жойда тезкорлик билан жорий этиш, ишлаб чиқариш резервларидан рационал фойдаланишни таъминлаш, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қурилиш-монтаж ишлари, юк ва йўловчилар ташиш ҳажмларини ўстириш бўйича ташкилотчилик, сиёсий ишларни кучайтиришлари зарур. Бу эса 1982 йил ва умуман беш йиллик план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш имконини беради.

ИЛМ-ФАН — БЕШ ЙИЛЛИККА

БУНЁДКОР ПОРТЛАШ КУЧИ

Тирниауз кон-металлургия комбинатининг шахталаридан бирида гумбирлаган ер ости портлаши юзлаб шахтёрларни кўп ойлик қалтис ишдан ҳоли қилди. Фойдали қазилмаси олиб бўлинган шахтанинг қарийб миллион куб метр бўшлиғини тоғ жинси билан аниқ тўлдириш учун бир неча секундгина кетди. Ўпирилишлар хавфига барҳам берилган конда эндиликда яна ҳаёт қайнай бошлади, бу ерда машиналар рудани очиқ усул билан қазиб олаверишлари мумкин бўлиб қолди.

СССР Фанлар академиясининг портлашдан халқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш илмий кенгаши илмий секретари Н. Сирников ТАСС мухбири билан қилган суҳбатида бундай деди:

— Қирқ йилдан кўпроқ вақт ичида мамлакатимизда йўналтирилган портлаш ёрдамида каналлар, тўғонлар қуриш, карьерлар ва конларни қазиш борасида кўп жиҳатдан ноёб тажрибалар орттирилди. Ўрта Осиё, Заволжьедаги катта-катта суғориш каналлари шу усул билан қурилди, Олмаота селхона тўғони, Тожикистонда Байпаза гидроузелининг тўғони, Доғистонда Оқсув дарёси тўғони шу усул билан қурилди. Анъанавий усулларга нисбатан портлатиш усулининг кўпгина фазилатлари бор. Биринчидан, у ғоятда тежамлидир. Масалан, Вахш дарёсида Байпаза гидроузелини қуришдаги тежамкорлик 45 процентга яқинлашиб борди. Бундан ташқари ишлар муддати икки йил қисқарди. Шунингдек, ишчи кучининг учдан бир қисмидан кўпроғини бошқа ишларга ўтказиш, машиналар паркининг 73 процентини бўшатиш йўллари билан карьер хўжалигига, энергия таъминотига барҳам бериш, муваққат уй-жой ва ишлаб чиқариш объектлари қуриш ҳажмини икки баравар камайтириш мумкин бўлди.

Академик М. Садовский бошчилигидаги илмий кенгаш бир неча йиллардан бери портлаш ишларини қўллашга доир назарий ва экспериментал тадқиқотларни мувофиқлаштириш билан шуғулланиб келмоқда. Кўпгина институтлар, лойиҳа ташкилотлари шу йўналишда ишламоқда. Улар орттирган тажрибалар тоғдаги бешта гидроэлектростанция тўғонларини қуришда портлашдан фойдаланиш, бу станцияларнинг смета нархини камида бир миллиард сўм арзонлаштириши мумкинлигини яққол кўрсатмоқда.

Аммо, деди Н. Сирников, прогрессив технологияни қўллаш кўламлари ҳамон оз. Ҳолбуки КПСС XXVI съезди халқ хўжалиги олдига янги технологияларни тезроқ жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ғоят ошириш вазифаларини қўйди. Биз портлаш ишлари янада кенгроқ қўлланиши лозим деб ҳисоблаймиз. Биринчи навбатда Ўрта Осиёда — Қирғизистон ва Тожикистонда, жумладан, Сарижаз дарёси сувининг бир қисмини Иссиқкўл ҳавзасига ташлашда, шу дарёни гидроэнергетика жиҳатидан ўзлаштиришда, Норин дарёсининг ўрта ва юқори оқимидан, шунингдек серсув Панждан фойдаланишда, сув омборлари ва селхоналар яратишда ундан фойдаланмоқ керак.

Улар мелиоратив қурилишда, шу жумладан шимол дарёлари ва Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Волга ва Орол денгизи ҳавзасига ташлашда, бориш қийин бўлган ва анъанавий усуллар иқтисодий номақбул территорияларни ўзлаштиришда портлаш ишлари муҳим роль ўйнаши мумкин.

Қурилиш ишлари бош пудратчисининг манфаатлари портлаш ишларини бажарадиган ташкилот манфаатларига мос келмайдиган ҳоллар сабабидан тўғонларни портлаш усули билан қуриш методининг жорий этилиши маълум даражада ушланиб турган кўринади. Портлаш ишлари қанчалик кўп бўлса бош пудратчи ҳиссасига ўзлаштирилган капитал маблағлар шунчалик камроқ тўғри келади. Бош пудратчи эса мумкин қадар кўпроқ маблағ ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Илмий-тадқиқот ишларини кенг қулоч ёйдириш, катта кўламдаги портлашларни лойиҳалаш ва ўтказиш учун норматив техник ҳужжатларни яратиш ҳам зарур. Шу ҳужжатларнинг йўқлиги ҳам мана шу прогрессив метод жорий этилишини тўхтатиб турди.

Биз, деди пировардида Н. Сирников, гидротехника ва мелиорация қурилишига портлаш технологиясини кенг кўламда жорий этиш КПСС XXVI съезди қўйган вазифаларни ҳал этишга сезиларли ҳисса бўлиб қўшилишига аминмиз.

В. ОВЧАРОВ.

XX АСР ОВОЗИ

Матен СЕЙТНИЁЗОВ,
Қорақалпоғистон АССР.

ҲАҚИҚАТ

Ҳақиқат бу—қаттиқ нарса
Ва лекин у тош эмас.
Ҳақиқат бу—аччиқ нарса
Аммо у кўз ёш эмас.
Ҳақиқат бу—ўткир нарса
Бироқ у ханжар эмас.
Тилсим янглиғ у бир нарса
Ялмоғиз, аждар эмас.
Гоҳ қузғунлар зўрлик қилиб,
Уни ерга йиқади.
Иқилса ҳам узоқ ётмай
Нур қидириб чиқади.
Ҳақиқат гоҳ эгилади,
Лекин асло синмайди.
Гоҳо йўли бекилади,
Аммо енгмай тинмайди.

Қорақалпоқчадан
Наримон ОРИФЖОНОВ
таржимаси.

Марун АББУД,
Ливан адибаси.

ЙЎҚ, ТАҚСИР...

(ҲИКОЯ)

Ситт аль-Ихва новдадай хушбичим қиз бўлиб, юзи қирмизи олмадай, оҳуникига ўхшаш кўзларини елпиғичдай узун киприклар тўсиб турарди...

Ситт аль-Ихва етти ўғил ичида яккаю ягона қиз. Ҳаммадан ҳам уни аммаси аллада азиз қиларди. «Илоҳим кўз тегмасин, худди ўзимга ўхшади!» дея сўярди.

Қариндошлари, амакилари, тоғалари-ю, онаси ва ҳатто шол бўлиб қолган отаси ҳам кизни бой оиладан чиққан бадбашара йигитга турмушга беришмоқчи эди. Бутун умри қашшоқлик ва етишмовчиликда ўтган онаси энди қизим у кунларни кўрмасин деб жони ҳалак эди. Ҳаёт тажрибасидан у севги ўткинчи бир нарса, лекин бойлик абадий деган муқобалага келиб қолган эди. Онаси кизининг куёвга нисбатан муносабатини яхши билгани учун, уни кисти-бастига олиб: «Уни севишга ўзингни мажбур кил!» деди. Ситт аль-Ихва кулиб юборди-да: «Нима у овқатмидики, оч қолмаслик учун ўзимни мажбур қилсам?» деди.

Қариндош-уруғлар ҳам кизни кўндирмоқчи бўлиб, исканжага олишганда киз жавоб бермай йиғларди, холос. Бундай пайтларда аммаси унинг бошини кўкрагига босиб, юз-кўзларидан ўпар ва алланима демоқчи бўларди-ю, лекин ўзини тиярди.

Бир куни қиз унга ялиниб: «Аммажон, менга қандай маслаҳат берасиз, айта колсангиз-чи?» деди. Лекин аммаси юзини тескари буриб: «Ҳеч нарса, жонгинам, ўзим шундай», дерди.

Лекин қиз қалбини гумонлар қамраб олганди.

Шунда қиз отасининг аммаси хақида: «Унинг тарихи ўлганидан кейингина тугайди», деганини эслади-да, нима қилиб бўлса ҳам аммасини гапга солишни кўнглига тугиб қўйди.

Лекин унинг орзуси ўз-ўзидан рўёбга чиқди-қолди. Бир куни улар гаплашиб ўтиришганда қиз аммасига:

— Аммажон, бу дунё ташвишларидан воз кечиб жуда яхши иш қилгансиз, деди.

Амманинг ҳовоғи солинди.

— Худонинг хоҳиши, қизим: У мени қўллаб-қувватлаганда ҳаммаси бир пул бўларди. Қўнда-кунда ўлгандан бир марта ўлган яхшироқ.

Қиз ажаблангансимон хитоб қилди:

— Ё олло! Наҳотки қодир худонинг ўзи сизни турмушга чиқмасликка ундаган бўлса-а, аммажон!

Ситт аль-Бейт кулиб юборди.

— Тур ўрнингдан, бирга ибодат қилиб келамиз, — деди.

Икки минг йил аввал Адонис эҳроми бўлган нимқоронғи черковга етиб келишгач, Ситт аль-Бейтнинг кўз қорачиқлари кенгайиб кетди. Эҳромнинг эшигига бир урди-да, қўлдан бой берилган жанг ҳақида гапириб бераётган лашкарбоши мисол ҳикоя қила бошлади:

— Агар мана шу деворларнинг тили бўлсайди жуда кўп нарсаларни гапириб берган бўларди. Менинг тарихим жуда узун. Унинг гувоҳи бўлган ҳамма одамлар аллақачон нариги дунёга юз тутишган, тирик қолганлардан фақат сенинг отанг. Менинг тақдирим худди сеникига ўхшаш, жонгинам! Унашилган қиз кимга насиб қилишини ёлғиз оллонинг ўзи билади, деган халқ наклини эшитганмисан? Мен буни ўз бошимдан кечирганман. Айтганларимга диққат билан қулоқ сол. Мен севардим, жону дилим билан севардим. Севги кўзимни кўр, қулоғимни кар қилиб қўйганди. Йигит арслонсифат, кўзлари ўтдай ёниб турарди. Мени унга турмушга чиқишга йўл қўймай, берган сўзларидан қайтишди. Тўй баҳорнинг пайшанбасига белгиланган эди. Никоҳ ўқитишдан бир кун олдин севиклим билан учрашдим. Юрагим дукиллаб урарди. Мен унга: «Мен фақат сеникиман» дедим. У ажабланганча: «Ахир эртага никоҳ ўкишади-ку!» — деди. «Ҳаммасини ўзим тўғрилайман», деб уни тинчлантирдим. Биз ҳаммасини келишиб олдик. У мени ўпмоқчи бўлди, лекин мен: «Мени ўпишга ҳали ҳаққинг йўқ», деб рад этдим. Онт ичаманки, мен унга ҳатто этагимни ўпишга ҳам рухсат бермасдим.

— Худо ҳаққи, аммажон, у ким эди? Ситт аль-Бейт кулиб юборди ва:

— Унинг исми Михаил эди, худди сенинг севиклинг каби, — деди.

Қиз ғамгин хўрсинди. Аммаси гапида давом этди:

— Энди бу ёғини эшит, биз ҳеч ким шу вақтгача журъат этмаган ишни қилмоқчи бўлдик.

Ситт аль-Бейт ҳар бир аёл каби иссиқ кийимларга ўраниб-чирманиб олганди. Лекин қиз ҳозир аммасини нозик-ниҳол сарвдай тасаввур қиларди. У сабрсизлик билан:

— Кейин нима бўлди, аммажон! — деди.

Аёл бир нималар деб пичирлади-да, кейин ўрнидан туриб сўзлай бошлади:

— Мени жуда чиройли қилиб кийинтиришди. Бу кийимларда мен янада чиройли бўлиб кетгандим. Мени қувноқ шовқин-сурон остида ибодатхонага олиб кетишди. Ибодатхонада одам тўлиб кетганди. Руҳоний никоҳ ўқиш маросимини бошлади. Михаилни кўрган одамларнинг ҳавaслари келиб, уни алқай бошлашди.

Руҳоний: «О, хотинлар, эрларингизга худога топингандек топинингиз, чунки эркак киши — хотин кишининг хўжасидир», деб диний китобдан сура ўқирди. Михаил саросимада, ранги оппоқ оқариб турарди. Мен ҳеч кимга сездирмай унга қараб қўйдим.

Қиз хахолаб кулиб юборди.

— Наҳотки шуларнинг ҳаммасини эслаб қолган бўлсангиз! Хаттоки руҳонийнинг ўзи ҳам шуларнинг ҳаммасини эслаб қололмайди-ку!

Аёлга қизнинг мақтови хуш ёқди.

— Амманг қишлоқдаги яккаю ёлғиз саводхон аёллардан. Бундан ташқари унинг булбулдай овози бор эди, мен қўшиқ айтганда бутун коинот қулоқ тутарди. Ҳикоямни тугатгунимча мени бўлма. Ниҳоят ҳал қилувчи онлар яқинлашди. Руҳоний куёвга мурожаат қилиб «Азиз ўғлим, Лавандус, сен оллонинг, қули бўлмиш Ситт аль-Бейтни ўз никоҳингга қабул этасанми?» деб сўради. Лавандус тезоблик билан: «Ҳа, албатта, устоз!» деди. Шундан кейин руҳоний менга ўгирилди-да: «Сен-чи, муҳтарам қизим Ситт аль-Бейт, оллонинг қули бўлмиш Лавандус никоҳига ўтишга розимисан?» деб сўради. Мен индамадим. Атрофимда турганлар: «Қиз бола нарса уялади-да», «У «ҳа» деди, «маросимни тугатаверинг» дейишарди. «Мен унинг жавобини эшитмадим, саволимни қайтараман», деди руҳоний. Шунда мен бор жасоратимни йиғиб: «Йўқ, тақсир!» дедим. Кимдир: «Қиз бола бамисоли очилмаган сандиққа ўхшайди, у сирга тўла!» деди. Ахир шу пайтгача бундай воқеа бўлмаганди-да! Ҳамма хаяжонга тушиб қолди. Баъзилар: «Шармандалик!» дейишса, бошқалар бизни шарманда қилма, Ситт аль-Бейт!» дейишарди. Лекин мен ҳеч кимга қулоқ солмай, ўз айтганимда туриб олдим. «Сендан охирги марта сўраяпман, нима дейсан, қизим!» деб сўради яна руҳоний. «Охирги марта ҳам биринчи марта нима деган бўлсам ўшани қайтараман». дедим. Руҳоний кетишга отланди, шунда амаким унга: «Бироз тўхтанг, тақсирим, мен уни шахтидан қайтаришга уриниб кўраман», деди. Бутун иродамни қўлга олиб руҳонийга мурожаат қилдим: «Гувоҳ бўлинг, тақсирим, мен Михаил Бутрусни деймaн» дедим. Оломон орасидан Михаилнинг овози эшитилди: «Гувоҳ бўлинг, тақсирим, мен Ситт аль-Бейтни хотинликка оламан». Ҳамма жунбушга келиб, икки ўртада қон тўкилди...

Никоҳ маросимида ҳозир бўлганлар икки гуруҳга ажралиб ёқалашиб кетишди. Эҳромда на бир шам ва на бир шамдон бутун қолганди, улар бир-бирларига муқаддас китобларини ва ҳатто бўхур идишларини ҳам отишарди. Бечора руҳоний эси оғганча аграйиб қолганди.

— Сиз нима қилдингиз? — ҳаяжон-ла қичқириб юборди Ситт аль-Ихва.

— Менми? Мен ҳар нарсага рози бўлганча тек турардим.

— Сизларни никоҳ қилишдими?

— Ҳа, қизалоғим, лекин бизни черковдан четлатишди, шунинг учун мен бир қанча вақт уйга қамалиб қолдим.

— Бу воқеа нима билан тугади?

— Черков ҳар нарсани кечиради. Бир мунча вақтдан кейин тақиқ ҳам бекор қилинди. Биз Михаил билан Америкага бориш ҳақида келишиб олдик. У аввалроқ бориб жой ҳозирлаб турмоқчи эди. Лекин, пешанам шўр экан. Михаил у ерда безгак билан оғриб вафот этди, мен эса Марселдан изимга қайтишга мажбур бўлдим.

— Демак, «Гувоҳ бўлинг, тақсирим» сўзи никоҳ ўрнини босар экан-да!

— Бўлмасам-чи. Бу қонун қизларнинг озодлигини муҳофаза қилиш учун чиқарилган.

— Агар бу қонун билан тасдиқланган экан, унда нега сизларни черковдан четлаштиришганди?

— Бундай никоҳ қонуний ҳисобланса-да, ундоқ қилиш мумкин эмас. Азалабад бундай воқеалар жуда кам бўлганидан черков қонунларига қарши чиқишдек кўринади, шунинг учун одамлар менинг хатти-ҳаракатимни қоралашди. Лекин менимча, асрлар давомида ўрнатилган қонун-қоидаларга қараганда ана шу қонунни тўғри деб биламан... Агар менга ишонсанг, ҳар куни тушимда Михаилни кўриб чиқаман.

Ситт аль-Ихва беихтиёр жилмайди, шунда аммаси унга:

— Сенга булар кулгили туюлади, Агар ишонсанг, ҳар гал дуо ўқиётиб, «авлиё Михаил» иборасига етганимда дағ-дағ титраб ўзимни қўлга ололмай қоламан, — деди.

— Бечора Михаил!

— Масхара қилма, қизгина, ҳақиқий севги ҳеч вақт ўлмайди. Энди тур ўрнингдан, қайтамиз. Менинг сиримни ошкор қилмаслигингни илтимос қиламан. Ўз бахтинг ўз қўлингда. Қизлар табиатан уятчан бўлишади. Юрагингга қулоқ тутиб иш қил. Қўйдай ювош бўлиб ўтирсанг, бахтингни бой бериб қўясан. Яна таъкидлайман, қалбинг нидосига қулоқ тутиб иш қил. Ахир уни жон-дилдан севасан-ку.

Мана шу суҳбатдан кейин қиз бечора унинг жавобини кутиб юрган қариндош-уруғларидан қочарга жой тополмай қолди. Ниҳоят тоқати тоқ бўлган Ситт аль-Ихва отаси қошига келиб, бор гапни унга арз қилди. Чўп устихон бўлиб қолган отаси қизига дилхасталик билан тикилди-да, худди қабрдан чиқаётгандай бўғиқ овозда:

— Қизлар аммага ўхшайди деб бекор айтишмаган. Бор қизим. Худо ўз паноҳида асрасин! Биз бир марта шармандаликни бошимиздан ўтказганмиз. Кўзим тириклигида бунга йўл қўймайман, — деди.

Ҳикоят МАҲМУДОВА
таржимаси.

Сулаймон РУСТАМ,
Озарбайжон халқ шоири.

БАЙРОҒИМИЗДИР ЛЕНИН

Бизнинг бу дунёмизга баҳорда келди Ленин,
Пойқадами башарга тоза ҳаёт келтирди.
Минг асрлик зулматнинг бағрини тилди Ленин,
Миллатларга шон-шуҳрат ҳам адолат келтирди.
Бир маънода жаранглар ҳар тилда бу азиз ном,
Шу ном билан дунёда дерлар ҳаёт нурафшон.
Шу от паролимиздир,
Ҳаёт паролимиздир.
Сирдошимиздир Ленин!
Қардошимиздир Ленин!
Қудратимиздир шу ном,
Шуҳратимиздир шу ном,
Ол байроғимиз Ленин,
Таянч тоғимиз Ленин!
Сенга — сендан яқиндир!
Менга — мендан яқиндир.
Дунёнинг ҳар бурчида дунёча ҳурмати бор,
Кезар ўлкама-ўлка, кезар диёрма-диёр,
Йўлларини кесолмас на бир тўсиқ, на сарҳад,
Кесолмас ҳамон қон деб қутурса бирор давлат.
Дунё харитасини безаётир ол ранглар:
Бу озодлик рангидир. Октябрь рангидир.
Бу сас башариятга қардошликдан бонг чалар,
Бу сас Ленин нафаси, замоннинг оҳангидир.
Ҳар халқ тилида Ватан, Ленин. Озодлик сўзи
Жангоҳларда қалқиган селлар каби кўчилар.
Аросатдан қутилган ўлкалар узра кезиб
Байроқлар байроқларга қуллар янглиғ чўзилар.
Ленин муҳаббатининг юракдадир сўзлари,
Унга раҳна сололмас ёт қўллар, ёвуз қўллар,
Ленин ҳақиқатининг юракдадир сўзлари,
Мана шундоқ юксалар эрк эллари, насллар.
Зафар, деб иш бошига йўл оламиз ҳар саҳар,
Ленин инқилобининг ўти бор жонимизда.
Кездим не қишлоқларни, кездим шаҳарма-шаҳар,
Ленинсиз уй кўрмадим Озарбайжонимизда.
Маълумки, фойда кўрмас — ўз фойдасини кўрганлар,
Мискиндан мискин бўлар бу кўҳна коинотда.
Оқ йўлга чиқолмагай Ленинсиз йўл юрганлар,
Ленинсиз бир дамни ҳам ўтмадик биз ҳаётда.
Сен, мен у ёки улар,
Ким шу гулшанда кулар —
Ленин мактабиданмиз, Ленин мактабиданмиз.
Не оғир кунларда гар дилимиз пора бўлар,
Кечмасмиз Октябрнинг алифбесидан биз.
Ленинни кўришмаган, демасин эллар асло,
Кўролмаган, деб насллар қилмасинлар ҳеч даъво.
Биз билан дир ҳамиша шу буюк, содда инсон.
Биз Ленинни ҳар қачон
Шафақлар байроқланиб қизарганда кўрамиз,
Шу давронда кўрамиз.
Бу ном хуш навосидир ҳар бахтиёр элларнинг,
Пиру бадавлатлик бахш этди Ватанга Ленин!
Бу кучли наслларнинг, келгуси наслларнинг
Барҳаёт мураббийси Ленинлир, яна Ленин!
Қуёшли бир йўлдамиз, Ленинимиз бош раҳбар,
Бу йўлда бегонадир буни тушунмаганлар.
Азмимиз, қудратимиз шу йўлдадир, шу йўлда,
Юртга муҳаббатимиз шу йўлдадир, шу йўлда.
Шу йўлдадир, шу йўлда виқорли миллатимиз,
Шу йўлдадир, шу йўлдабаҳорли миллатимиз.
Башарнинг юлдузларга парвози шу йўлдадир,
Эзилган элатларнинг эрк рози шу йўлдадир.
Ғанимларга бош эгмас бу йўлнинг йўлчилари,
Ўлса-ўлар, чекинмас бу йўлнинг йўлчилари.
Башарнинг ҳақ йўлидир улуғ Лениннинг йўли,
Озодликни севганлар, шу йўлдир йўлим, дейди.
Бу дўстлик дунёмизда қалби меҳрга тўлиғ
Ҳар миллатнинг ўғлига юз миллат ўғлим, дейди.
Лениннинг абадиёт, саодат китобида
Ҳар сўзу ҳар каломнинг дунёча маъноси бор.
Лениннинг ғолибият, ҳақиқат китобида
Миллатимнинг абадий сарғаймас имзоси бор.

ОТАЁР таржимаси.

Андрей ДЕМЕНТЬЕВ
(РСФСР).

ПАЛОВГА ҚАСИДА

Ўзбеклар уйида байрам бўлган пайт
(байрамдир уларга келса ҳам меҳмон), —
сизни лол этади минг хил ноз-неъмат..
саховат барқ уриб турган дастурхон.
Дастурхонки, унда жозиба пинҳон,
жануб бозоридай тўкин, безаҳа.
Хоҳи сен қари бўл, хоҳи бўл нимжон,
қўзғалар фил каби кучли иштаҳа.
Ўзбек дастурҳони
Аёз чирсиллар
Москвада эса айни ушбу чоғ.
Бунда—дастурхонда уюлиб турар
минг турли кўкатлар, мевалардан тоғ...
Ожизман на шеъру на наср билан
ўзбек дастурхонин таъриф қилолмай..
Гангир-гунгур суҳбат тинади бирдан.
Палов келтирилар.
Тафтбосдию май
аро қўйилади лаган — нақ олов.
Мезбон тавозеда — лутф ила боқар.
Бутун дастурхонга файз берар палов.
Ҳар қанча тўқ бўлма — сўлагинг оқар.
Дастурхон чақнайди. Юзларда чирой.
Ошдан еб, сўнг ижод айла эзгулик.
Пиёлада эса буғланади чой,
сенинг кўзларингдек зилол ва кўм-кўк.
Аммо қадаҳлар йўқ, — одат шунақа.
Улар жаранглaмас ошдан сўнг алҳол.
— Тамакидан олинг.
— Гугурт ҳам чақай!
Бўлди.
Яшаш мумкин энди бемалол.

Сулаймон РАҲМОН таржимаси.

Маҳмуд ДАРВИШ,
Халқаро Нилуфар мукофоти лауреати. Фаластин.

Қамоқхонадан мактуб

Юлдузлар.
Қуёш.
Ой.
Базўр кириб келдилар
менинг бағримга
Лекин уларни отиб ташлашди.
Ёмғир.
Дарахтлар.
Гуллар.
Базур кириб келдилар бағримга.
Лекин тилка-пора қилиб ташлашди
тиконли симлар билан.
Шеърларим отланди...
Тутишолмади.
Шундан буён учрашасиз
Сиз ҳар куни у билан—
Қайноқ кафтлар ўт чиқариб,
Шамол билан аланганинг
қучишганидай...
Сўзларимнинг нозик сезгиларичун
Тепмоқда жаллодлар мени
Туфураман башарасига—
Сатрларим тиғдай санчилар...
Одамлар, эй менинг жигарларим,
Сизларга мурожаат қиламан.
Биз— муҳаббатингиз асрлари
Жаннат деб аталган
Бу чиркин қамоқхонада
Ўз инсоний қиёфамизнинг
оёқ ости қилинишига йўл қўймадик
Шу кичиккина она-Ватанимизга
бўлган қалбимиздаги
Буюк муҳаббатимиздан кўнглим
қайтанга минг карра ўсди.
Шамол алангани қучгани каби
мени бағрингизга босинг.

Русчадан
Исмоил МАҲМУД
таржимаси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

РЕКОРД МУДДАТЛАРДА

БУДАПЕШТ. Венгриянинг энг йирик металлургия корхоналаридан бири—Мишкольцдаги В. И. Ленин номли комбинатда янги қуюв цехи дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу цех рекорд муддатда ишга туширилди—унинг корпуслари атиги 10 ой ичида қуриб битказилди, машина-ускуналарнинг дастлабки синовлари эса планда белгиланганидан ярим ой илгари ўтказилди.

Цехдаги барча жараёнларни электрон-ҳисоблаш машиналари бошқаради, унда энг янги техника билан таъминланган замонавий линиялар ўрнатилган. Бу эса қуювчиларнинг ишлаши учун яхши шароитларни яратиш, оғир қўл меҳнатини деярли тугатиш имконини берди.

Мишкольцдаги металлургия комбинатини республикада Венгрия — Совет дўстлиги корхонаси деб аташади. Бу ерда совет олимлари ишлаб чиққан технологиядан муваффақиятли равишда фойдаланилмоқда. СССРдан келган мутахассисларнинг актив иштироки ва ёрдами билан янги цехлар барпо этилди, корхонада бош реконструкция ўтказилди. Металлургия соҳасида Совет—Венгрия ҳамкорлиги доирасида корхонада катта конвертор цехи қурилмоқда.

Янги қуюв цехининг ишга туширилиши ва унинг лойиҳадаги қувватига етказилиши Мишкольцдаги комбинатга социалистик мамлакатларга ва аввало Совет Иттифоқига маҳсулот етказиб беришни анча кўпайтириш имконини яратади.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ТАШАББУСКОРИ

УЛАН-БАТОР. Монголияда энг кўҳна «Налайха—капитальная» шахтаси коллективи кўмир саноати ходимларининг йил план-топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун ўтказаётган социалистик мусобақасининг ташаббускори бўлиб чиқди. Шахта меҳнаткашлари кўмир қазиб чиқариш йиллик планини 24 минг тонна ошириб адо этиш, топшириқдан ташқари 730 минг тугрикликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олган.

Бу йил МХР энергетика саноатига 60 йил тўлади. Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Налайха—капитальная» шахтасининг коллективи бу юбилейни меҳнат унумдорлигини анча ошириб, кам харажат қилиб, кўп кўмир қазиб чиқариш билан нишонлашга қарор қилди.

Комплекс программа амалга ошириляпти

МАПУТУ. Мозамбикнинг Газа вилоятида совет мутахассисларининг техникавий ёрдами билан Лимпопо дарёсининг водийси комплекс ўзлаштирилмоқда.

Биринчи марта замонавий илмий-техникавий даражада қидирув ишлари ўтказилиб, дарё ҳавзасининг сув ва ер ресурсларини акс эттирадиган тупроқ-мелиоратив ва гидрогеологик карталар тузилди. Совет мутахассислари Мозамбикнинг ана шу энг муҳим дарёсидан қишлоқ хўжалик ерларини суғориш учун фойдаланиш истиқболини ҳам белгилаб бердилар.

Лимпопо ҳавзасининг ресурсларини комплекс ўзлаштириш бош схемасига мувофиқ, бу райондаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши Газа вилояти аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла-тўкис таъминлабгина қолмай, шу билан бирга ҳар йили республиканинг бошқа районларига ва экспорт учун 500 минг тонна дон, 700 минг тонна сабзавот, 2200 минг тонна мева етказиб бериш имконини ҳам беради.

Энергиянинг янги манбалари

БРАЗИЛИА. Бразилияда энергетика проблемасини бошқа энергия манбаларидан фойдаланиш йўли билан ҳал қилишга тобора катта эътибор берилмоқда. Ҳукумат 1982 йилда энергетика хом ашёси ҳосил қилиш учун биомасса ишлаб чиқаришга 2.6 миллиард крузейро ажратади.

Ҳозирги вақтда мамлакатнинг бир қанча қишлоқ районларида жумладан, уй-жой биноларини иситиш учун фойдаланиладиган газ ҳосил қилиш учун похолни қайта ишлаб, шундай газга айлантирадиган қурилмалар барпо этилмоқда. Ҳозирги вақтда Бразилияда 770 та шундай қурилма муваффақиятли ишлаб турибди.

ЛОНДОН. Кўпминг кишилик намойишда иштирок этган ёш инглизлар «Келажагимизни таъминланг!» деб талаб қилдилар.

Ўқувчилар, студентлар, ишсизлар ўз ҳуқуқлари учун, биринчи навбатда билим олиш ва меҳнат қилиш ҳуқуқи учун курашга тобора актив қўшилмоқдалар. Расмий маълумотларга қараганда мамлакатдаги 3 миллионга яқин ишсизнинг деярлик ярмини 25 ёшга етмаган ёшлар ташкил этади.

Аграр революцияга ёрдам

ЖАЗОИР. Жазоирда аграр революция манфаати йўлида қишки ҳашар кампанияси авж олиб кетди. Шу кунларда минглаб йигит ва қизлар миллий озодлик фронти партиясининг қуйи ячейкаларида ва жамоат ташкилотларида тузилаётган отрядларга ёзилмоқдалар.

Февраль ойининг охиригача ўтказиладиган бу кампаниянинг мақсади—қурғоқчилик оқибатларини бартараф этишда қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига ёрдам беришдан иборат.

ИҚТИСОДИЙ ТУШКУНЛИК

ВАШИНГТОН. Меҳнат министрлигининг хабар беришича, ўтган йилнинг сўнгги кварталида АҚШ экономикасининг хусусий секторида меҳнат унумдорлиги 7,2 процент пасайган.

Меҳнат унумдорлигининг пасайиши АҚШда жиддий проблема бўлиб қолмоқда. Унга иқтисодий тушкунликкина эмас, балки корхона эгаларининг фойда кетидан қувиб, асбоб-ускуналарни янгилаш ва ишлаб чиқаришнинг прогрессив методларини жорий этиш билан боғлиқ бўлган сарф харажатларга маблағ ажратишни истамаётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Меҳнатни илмий ташкил этиш туфайли

БЕРЛИН. ГДР саноат, қурилиш ва транспорт корхоналарида меҳнатни илмий ташкил этиш усули жорий этилганлиги туфайли 1981 йилда 450 мингдан зиёд иш жойлари қайта жиҳозланди, ходимлардан 45 минг кишининг қўл кучи билан бажариладиган сермеҳнат ишларига барҳам берилди. Шу нарса диққатга сазоворки, қайта жиҳозланган иш жойларида шу давр ичида меҳнат унумдорлиги 30 процент ошди.

Республика корхоналарида меҳнат жараёнини такомиллаштириш узлуксиз давом этмоқда. Бунда роботларни кенг жорий этиш катта аҳамият касб этмоқда.

СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. СОАТОВ: Мени донорларга белгилаб қўйилган имтиёзлар қизиқтиради. Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Аввало донор қон топширадиган куни у қайси сменада ишлашидан, шунингдек қайси вақтда (иш вақтидами ёки ишдан ташқари вақтдами) қон топшираётганидан қатъий назар, ишдан озод этилади. Бундан ташқари ҳар галги қон топширганидан сўнг донорга дам олиш куни берилади. Донорнинг хоҳишига кўра ана шу дам олиш куни йиллик меҳнат отпускасига қўшилиши ҳам мумкин.

Донорнинг қон топширган куни учун ва дам олиш куни учун ўртача иш ҳақи сақланади.

Шуни ҳам айтиш кераки, донорнинг меҳнат отпускасига унинг қон топширган куни эмас, балки фақат у қон топширгани эвазига бериладиган дам олиш кунигина қўшилади.

Дам олиш ва байрам кунлари бошланишига қон топширадиган кунлари тўғри келиб қоладиган ишчи ва хизматчиларга бошқа дам олиш куни берилади ёки ана шу дам олинажак куни навбатдаги отпускага қўшилади.

⁂

Х. АКРОМОВ: Командировкада бўлган пайтимда меҳмонхона номерида турганлик ҳақини тўлалигича тўлай олмадим. Шунда меҳмонхона маъмурияти мендан унинг ўрнига паспортимни қолдиришни талаб этди. Маъмуриятнинг шу иши тўғрими?

Жавоб: Йўқ, меҳмонхона маъмурияти нотўғри йўл тутган. СССР Министрлар Советининг 1974 йилнинг 28 августидаги қарори билан СССРда паспорт системаси ҳақида тасдиқланган Низомнинг 21-бандини меҳмонхона маъмурияти бузган. Маълумки, ана шу бандда СССР қонун асосларида кўзда тутилмаган ҳолларда граждандардан паспортларини бирор нарсанинг ўрнига олиб қўйиш тақиқланган.

⁂

Н. МЕЛИЕВА: Уйимиздаги телефон аппаратини ўғлимиз тушириб юборди. У ҳозир ишламай қолди. Айтингчи, телефон аппаратларини қаерда тузаттириш мумкин?

Жавоб: Бузилган телефон аппаратларини тузаттирмоқчи бўлсангиз, Тошкент шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармасининг устахонасига мурожаат қилинг. Бу устахона Навоий кўчасидаги 14-«а» уйда бўлиб, шу ерда 41-АТС жойлашган. Шу бинода ремонт ишлари ҳам бажариб берилади.

⁂

Р. ТЕШАБОЕВА: Шаҳримизда буюртма асосида мебеллар тайёрлаб берадиган комбинат бор экан. Шу комбинат адресини беролмайсизми?

Жавоб: Қорасарой кўчасининг 282-«а» уйидаги маиший жиҳозлар ва мебеллар комбинатига шу хусусда мурожаат қилишингиз мумкин. Ҳозирги пайтда комбинат аҳоли буюртмаси бўйича 30 га яқин хилдаги буюмларни тайёрлаб беряпти.

Ҳамшаҳарларимизга қулайлик яратиш мақсадида шу комбинатнинг шаҳримиз районларида салонлари ташкил этилган. Ана шу салонларга бориб, у ерга қўйилган мебель хилларини кўздан кечириб, буюртма бериш мумкин.

* * *

Ў. НАЗАРОВ: Тикув машиналарини ремонтдан чиқариш учун қайси устахонага мурожаат қилиш керак?

Жавоб: Весна кўчасидаги 223-уйда «Техложбитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси жойлашган. Ана шу бирлашма усталари тикув машиналарини ҳам тузатишади. Шу хусусдаги маълумотларни 91-08-84 рақамли телефон орқали билиб олишингиз мумкин.

ФАН ВА ТЕХНИКА ИЗЛАНИШЛАРИ, КАШФИЁТЛАРИ

СВЕТОВОД ЧУҚУРЛИКНИ ТАДҚИҚ ЭТАДИ

СССР Фанлар академияси физика институти ва химия институти, Бутуниттифоқ ядро геофизикаси ва геохимияси илмий-тадқиқот институти, шунингдек «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг олимлари ва ходимлари биргаликда яратган махсус тола оптик кабель орқали кўп километр ер ости чуқурликларида рўй берувчи жараёнлар тўғрисида информация олиш мумкин.

— Одатда чуқур ер остидаги жараёнлар пармаланган қудуқлардан олинадиган керн (тик ўйма намуна)га қараб ўрганилади,— дейди СССР Фанлар академияси физика институти секторининг мудири, физика-математика фанлари доктори Е. Дианов, — Бу йўл машаққатли, қимматга тушишидан ташқари информация айтарли тўла чиқмайди, чунки жинс намуналари чуқурликдан ташқаридаги шароитларда тадқиқ этилади. Ҳозирга қадар чуқур қудуқлардан тўлароқ информация юборишнинг имкони бўлмай келганди.

Қалинлиги миллиметрнинг бир неча улушича келадиган кварц шишадан ишланган тола-световод бу проблемани ҳал қилади. Юкли оптик кабель-световод ишлаб чиқилган бўлиб, у иҳоталовчи ва маҳкамловчи қобиқ ичига олинган ва геофизик приборлар ҳамда датчиклар солинган контейнердан иборат нефли юки бўлиб, уларнинг берган информацияси юқорига чиқиб туради.

Нефть, газ, полиметалл ва бошқа фойдали қазилма конларини разведка қилиш ва ишлатиш мақсадларида қазилган қудуқларда геофизик тадқиқотлар олиб боришда, шунингдек чуқур сувда океанографик тадқиқотлар ўтказишда бундай оптик кабеллар истиқболлидир. Келгусида Кола ярим оролидаги қудуқ сингари ғоят чуқур қудуқларда световод кабеллардан фойдаланиш мўлжалланади.

С. КОРЕПАНОВ,
ТАСС мухбири.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

Физкультура ва спорт

Спартакиада бўсағасида

Чимён этакларида тоғ чанғи спорти бўйича Ўзбекистон шахсий чемпионати бўлиб ўтди. Махсус слалом, гигант слалом, тепаликдан тез тушиш трассаларига республика кўнгилли спорт жамиятлари ва идораларининг қарийб эллик спортчиси чиқди. Чемпионат якуни икки уриниш натижасига кўра чиқарилди, учкураш натижасида бу йича ҳам ғолиблар аниқланди.

Спорт мастери Татьяна Яковлева («Меҳнат резервлари») хотин-қизлар мусобақасида мутлақ чемпион бўлди. Ўзбекистон Давлат физкультура институтининг студенти махсус слалом трассасига қўйилган 55 дарвозадан жуда яхши ўтди, гигант-слаломда, тепаликдан тез тушишда муваффақиятли беллашди ва учкураш натижасига кўра ғолиб чиқди.

Эркаклар мусобақасида мастерликка номзод Анорқул Ғоипов («Меҳнат резервлари», Тошкент) махсус слаломда, тепаликдан тез тушишда, тоғ учкурашида чемпионлик унвонига сазовор бўлди. Баландлиги 350 метрга тенг гигант-слаломдаги беллашувда тошкентлик спорт мастери Эдуард Затуряев ғолиб чиқди.

Ўзбекистон тоғ чанғичилари февраль ойининг охирларида Красноярскка жўнаб кетадилар. Бу ерда СССР халқлари спартакиадаси программаси бўйича мусобақалар ўтказилади.

Динамочилар ғолиб чиқишди

«Динамо» командасининг дзюдочилари Андижонда бўлиб ўтган республика ёшлар ёшасий-команда биринчилигида ғолиб чиқишди. Шу команда полвонлари саккизта олтин медалдан олтитасини қўлга киритдилар. Ўз вазн категорияларида И. Пак, А. Храмцовский (иккаласи ҳам Тошкентдан), Т. Ширмамедов (Самарқанд), И. Жуманиёзов (Жиззах) коллективларига муваффақият келтиришди. Динамочи Александр Ряхов 71 килограммгача бўлган вазн категориясида ва мутлақ вазнда ғолиб чиқиб, шу турнирда икки марта ғалабани нишонлади.

Р. Долотказин («Меҳнат», Чирчиқ), И. Журавлев («Буревестник», Тошкент) ҳам олий мукофотга сазовор бўлдилар.

«Меҳнат» ва «Буревестник» спортчилари умумкоманда ҳисобида совринли ўринларни эгаллашди.

Пластмасса тўпи ғолиблари

Тошкент Медицина институтининг спорт залида стол тенниси бўйича Ўзбекистон кубогини олиш учун мусобақалар ўтказилди. Кичик ракетка усталаридан 120 дан ортиқ киши марказий ва республика кўнгилли спорт жамиятлари, идоралар составида ана шу совринн учун ўзаро куч синашди. Мусобақа сўнгида кураш кескин тус олди. Чунки республика мусобақаларининг ғолиби СССР кубогини олиш учун беллашувда қатнашиш ҳуқуқига эга бўларди.

Хотин-қизлар ўртасида ўтказилган мусобақада Тошкентдаги «Спартак» клубининг теннисчи қизлари пластмасса тўпининг ҳақиқий ғолиблари бўлишди. Эркаклар ўртасида ўтказилган мусобақала эса студентларнинг «Буревестник» командаси бутуниттифоқ финалида иштирок этиш ҳуқуқини олди.

Мукофотлар олиб қайтишди

Ўзбекистон самбочилари Еревандан мукофотлар олиб қайтишди. Улар ўсмирлар ўртасида ўтказилган мамлакат биринчилиги мусобақаларида учта олтин ва битта бронза медалини қўлга киритдилар.

Тошкентдаги «Динамо» жамиятининг аъзоси Абдубакир Жумаков (60 килограммгача бўлган вазн категорияси) маҳорати юксак баҳоланди. «Пахтакор» командасининг аъзоси Шавкат Шатров (63 килограммгача бўлган вазн категорияси) ва республиканинг «Зенит» кўнгилли спорт жамияти вакили Виктор Рябинин (87 килограммдан ортиқ бўлган) вазн категорияси) ҳам ана шундай муваффақиятга эришдилар.

52 килограммгача бўлган вазн категориясидаги курашчилар мусобақасида Алишер Аляев (Тошкентнинг «Пахтакор» командаси) ҳурмат шоҳсупасининг учинчи поғонасига кўтарилди.

(ЎзТАГ).

СССР терма командасининг ғалабаси

СИКТИВКАР. СССР терма командаси «Советская Россия», газетаси совғини учун тўпли хоккей бўйича ўтказилган VI халқаро турнирнинг якунловчи учрашувида жаҳон чемпиони—Швеция хоккейчиларини 4:1 (2:0) ҳисобида мағлубиятга учратиб, шу мусобақаларда бешинчи марта ғолиб чиқди.

Ўтган турнирнинг энг яхши ўйинчиси деб топилган Красноярск «Енисей» командасидан Сергей Ломанов учрашувнинг учинчи минутидаёқ ҳисобни очди. Спортчиларимиз бутун ўйин давомида тезкорликлари билан рақибларидан устун туришди, ҳужумларни аниқ бажаришди.

Швеция командаси иккинчи ўринни, Норвегия хоккейчиларини 5:0 (1:0) ҳисобида мағлубиятга учратган Финляндия терма командаси эса учинчи ўринни эгаллади.

КАРТАГА ҚАРАБ ДИАГНОЗ ҚЎЙИЛАДИ

Самарқандлик олимлар Оқдарё районининг мутахассисларига ҳавола этган галати бир карта ҳар бир фермада чорва касалликларига қарши кураш йўлини ишлаб чиқишга ёрдам берди. Чорвадорлар шу ҳужжатга қараб микроэлементларга сероб яйловлар, ўтлоқларни аниқладилар. Шу районда сигир ва қўй нима учун ўсишдан орқада қолаётганлиги сабабларини ҳам топдилар: Оқдарё зонаси тупроғида, ўт-ўланида, сув манбаларида чорванинг яшаши учун зарур рух ва марганец ғоятда оз.

Олимларнинг тавсияларига кўра, дарров тегишли қарорга келинди. Карта белгилаб берган диагноз Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институтида ишлаб турган донадор ем тайёрлаш цехига топширилди. Шундан сўнг моллар шифобахш ем ола бошлади. Тўйимли озуқага рух ва марганец зарралари қўшилди.

Чорвадорлар учун биогеохимик карталар— самарқандлик олимлар чорвачиликни янада ривожлантиришга қаратилган илмий программа доирасида ҳал этган вазифалардан биридир. Самарқанд университети ва қишлоқ хўжалик институти, Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институтининг тадқиқотчилари шу программани амалга ошириш учун куч-қувватларини бирлаштирдилар.

Энди Қашқадарё, Сирдарё, Жиззах областларининг кенг масштабли биогеохимик карталари ишлаб чиқилади. Дастлабки тадқиқотларга кўра, Жиззах области районларидаги чорва организмнинг ўсиб-ривожланиши учун зарур мис микроэлементидан етарлича олмас экан. Олимлар рационга шифобахш донадор ем қўшилса, республиканинг бўз ерли зоналарида чорвачилик маҳсулдорлигини анча ошириш мумкин бўлади, деб ҳисобламоқдалар.

ЭЛЕКТР СУВНИ ТЕЖАЙДИ

Олмаота областидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози далаларида электр сувни тежамоқда. Бу ерда тупроқнинг шўри электр токи ёрдамида кетказилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш илмий-тадқиқот институти олимлари ернинг унумдор қатламини минерал аралашмалардан тозалашда электролиз принципидан фойдаланишни таклиф этдилар. Олмаоталик мутахассислар шу ишни амалга оширишга сўз шимардилар.

Янги методга биноан хлорид сульфатли тупроқ қатламига икки мартагина сув бостирилади, сўнгра бундан ток ўтказилади. Бунда тупроқнинг унумдорлиги тикланади-қолади. Одатдаги технологияда ерга тўрт-беш марта сув бостиришга тўғри келади. Бу янгилик сувни анча тежайди, сувчилар сонини камайтиради, ер ишлари ҳажмини учдан бир ҳисса қисқартиради. Электр энергия жуда кам сарфланади. Электрод-катод системасини далага жойлаштириш ва унинг ишини бошқариш батамом механизациялаштирилган. Аппаратларни беш нафар монтажчи бемалол уддалай олади. Улар қиш бўйи 250 гектар ерга шу тахлида ишлов беришлари мумкин.

(ТАСС).

Ўтган йили Киров районида бир нечта болалар боғчалари фойдаланишга топширилган эди. Куни-кеча Юнусобод массивининг «Д—3» микрорайонида очилган 320 ўринли 173-боғча болаларни ўз кучоғига олди. Боғчада 14 группа бор. Ҳар бир группага иккитадан тарбиячи белгиланган.

СУРАТДА: янги боғчанинг олд томонидан кўриниши.

Х. Мирзакаримов фотоси.

● *Ажойиботлар оламида*

КАРТАДАГИ НОМ

Рус география жамиятининг медали Ўзбеклар орасида биринчи бўлиб Ёқуб Исмоилжоновга берилганлиги аниқланди. Медаль топшириш маросими 1897 йил Петербургда бўлиб ўтган. Ўрта Осиё бўйлаб ўтказилган кўпгина илмий экспедицияларнинг қатнашчиси Ё. Исмоилжонов шу маросимга таклиф этилганди. Синчков бола машҳур сайёҳ Л. С. Баршчевскийнинг эътиборини ўзига тортди, у рус тилини тез ўрганди. У йўл бошловчи ва таржимон сифатида мураббийсига Зарафшон водийси бўйлаб экспедицияларда ҳамроҳлик қилган. У бошқа бир таниқли тадқиқотчи В. И. Липский билан Ҳисор тоғининг энг баланд музликларидан бирига кўтарилган. Кейинчалик Липский «Тоғли Бухоро» деган китобида шу қийин йўлни баён этган, ёш таржимон олимларга берган катта ёрдам ҳақида ҳикоя қилган. Ёқуб гербарий йиққан, илмий приборлар билан ишлаган, маҳаллий аҳоли билан музокаралар олиб борган.

Олимларнинг бошқа бир кўнгилли ёрдамчиси— ҳаммоллар группасининг оқсоқоли Оҳун Зарафшон музлигига чиқишда И. В. Мушкетов экспедициясига ҳамроҳ бўлган. Рус олимининг таклифига биноан шу районда очилган катта музликлардан бири Оҳун номи билан аталган.

(ЎзТАГ).

(Газетанинг навбатдаги * сони 17 февралда чиқади).

Редактор ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

16, 17 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 ДА

ҚУРУЛТОЙ ҚАТНАШЧИЛАРИГА БАҒИШЛАНАДИ

М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

«ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ОЛМАХОН ҲАЙИТОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти
ГУЛШОД ОТАБОЕВА

Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
ОЛИМЖОН ОРИФЖОНОВ

Солистлар: Нуриддин ҲАЙДАРОВ, Тоштемир ТОҲИРОВ, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Ҳасан КАРИМОВ, Султонмурод САМАНДАРОВ, Гулнора ОДИЛОВА, Мастура ФАЗЛИДДИНОВА, Латофат ПЎЛАТХЎЖАЕВА.

Сатира ва интермедиялар ижрочиси
АБДУФАТТОҲ САИДОВ

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани Зуҳра ТЕМИРОВА олиб боради.

«ГЎЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари—Олмахон ҲАЙИТОВА.

Музика раҳбари — Туйғун ОТАБОЕВ.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

«ХИЗМАТ-БЕМИННАТ» ФИРМАСИНИНГ 5-МАГАЗИНИДА

16 ФЕВРАЛДА

Тошкент ёғ-мой комбинати ишлаб чиқарган маргарин маҳсулотларининг

САВДО КЎРГАЗМАСИ ВА ХАРИДОРЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Адрес: Тошкент шаҳар, Иззат кўчаси (15, 23, 26-автобусларнинг «Иззат кўчаси» бекати).

«ХИЗМАТ-БЕМИННАТ» фирмаси.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДА

(2 қаватда)

17 ФЕВРАЛДАН 20 ФЕВРАЛГАЧА

Марғилон ва Наманган комбинатлари шойи газмолларининг

Савдо-кўргазмаси ўтказилади

Савдо-кўргазмасида турли тусдаги ва гулли ёзлик, кўйлаклик ва пардабоп газмоллар кенг намойиш этилади.

Шойи газмоллар ўзининг нафислиги, юмшоқ ва харирлиги ҳамда кийиб юриш учун жуда қулайлиги билан ажралиб туради.

Гулларининг хилма-хиллиги, бўёқларининг ёркинлиги билан шойи газмолларга талаб жуда катта. Улардан ёзлик кўйлаклар, сарафанлар, блузкалар тикиш мумкин.

Савдо залида моҳир бичиқчилар хизматингизга ҳозир. Улар Сизларга кўйлаклар учун фасонлар танлаш ва Сизга ёққан газмолдан кўйлаклик бичиб беришда ёрдам беришади.

Сизларни шойи газмоллар савдо-кўргазмасида кутамиз.

«ЦУМ».

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИДА
(Пролетар кўчаси, 16-уй)

XIX аср охири ва XX аср бошларида рус рассомлари асарларининг

ДАВЛАТ ТРЕТЬЯКОВ ГАЛЕРЕЯСИДАН ОЛИНГАН КЎРГАЗМАСИ

15 МАРТГАЧА ИШЛАЙДИ

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Музей ҳар куни (сешанбадан ташқари) соат 10.30 дан 18.00 гача, душанба куни соат 15.00 гача ишлайди.

Музейга 1, 2, 3, 4, 5, 13, 14, 22, 25, 28-трамвайлар; 1, 3, 8, 10, 11, 13, 15, 16-троллейбуслар ва 2, 25, 39, 60-экспресс автобуслари билан бориш мумкин.

32-73-45 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.

ҲУРМАТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР!

Тошкент область Оржоникидзе районидаги 21-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти 1962 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалигида ишлаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлаб келади.

Малакали ишчилар тайёрлаш учун оилим юртида барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Ўқув кабинетлари барча замонавий асбоб-ускуналар, кўргазмали қуроллар ва техникавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Танланган касбингиз бўйича барча ўқув қуроллари мавжуд бўлиб, касбингизни пухта эгаллашга имкон беради. Барча ўқувчилар стипендия, уч маҳал бепул иссиқ овқат, кийим-бош ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараги, фото тўгарак, футбол, волейбол, баскетбол, кураш, бокс, стол тенниси мунтазам ишлаб туради. Алоҳида футбол майдони, отиш тири мавжуд.

Ўқиш давомида ўқувчилар Ватанимизнинг гўзал ва қаҳрамон шаҳарларига экскурсияларга борадилар. Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртларига ўқишга конкурссиз кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ 3 ВА 1 ЙИЛ.

3 йиллик группаларга 8-синфни битирган ва 1 йиллик группаларга 10-синфни тугатган йигит ва қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Билим юртида қуйидаги касбларни эгаллашингиз мумкин: кичик ветеринар фельдшери, мева-сабзавотчилик бўйича мутахассислар, кенг ихтисосли тракторчи-машинистлар (шоферлик, автослесарлик-тракторчилик гувоҳномалари ҳам берилади).

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 4 дона 3 Х 4 см. размердаги расм, ота-онасининг иш жойидан справка.

Бизнинг адрес: Тошкент область, Оржоникидзе райони, «Геофизика» посёлкаси (Тошкент шаҳридан 1, 16, 24, 101-автобусларнинг «Троицкий поворот», 69, 89-автобусларнинг 1-«Қорасув» бекати).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—16/II да Олтин девор, 17/II да Гурунг, 18/II да Абу Али ибн Сино.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА—15/II да Кулги кечаси, 17/II да Олифта, 18/IIда Хизматингизга тайёрмиз.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА—16/II да Сокин тонглар, 18/II да Баланд дорга осилма.

КИНО

15 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«САБАНТУЙ ТОМОН ИЎЛ» — Фестиваль.

«РАИС» — Қозоғистон.

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЭРКАКЛАР» — Лисунов номли (тоқ соатларда), Тинчлик (жуфт соатларда), К. Ерматов номли (жуфт ва тоқ соатларда).

«ОЛАМНИНГ САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗАСИ» — Искра (16, 18, 20.00).

16 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«САБАНТУЙ ТОМОН ИЎЛ» — Фестиваль.

«РАИС» — Қозоғистон.

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЭРКАКЛАР» — Лисунов номли (тоқ соатларда), Тинчлик (жуфт соатларда), К. Ерматов номли (жуфт ва тоқ соатларда).

«ОЛАМНИНГ САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗАСИ» —Искра (16, 18, 20.00).

«ТАШСАНТЕХМОНТАЖ» трестининг ЎҚУВ ПУНКТИ

сантехникларни тайёрловчи 1,5 ойлик ва газ-электр пайвандчиларни (кенг профилли) тайёрлайдиган 3,5 ойлик

КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқувчиларга ойига — 76 сўм стипендия тўланади.

Курсни тугатгандан сўнг ёлғизларга ва бошқа шаҳардан келганларга ётоқхона берилади.

Трест ишчилари 5 йил ичида турар жой билан таъминланадилар.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Октябрь район, 1-Радиальний проезди, 12-«а» уй, 3-монтаж бошқармаси (10, 23, 27-трамвайлар, 48, 10, 88, 107, 108, 125-автобуслар; 2, 7, 10-троллейбусларнинг «Ишчилар шаҳарчаси» бекати).

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

институтнинг кириш имтиҳонларига тайёрловчи

3 ОЙЛИК ПУЛЛИК КУРСЛАРГА

архитектура факультетига кирувчиларни расм ва чизмачилик бўйича тайёрловчи

4 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй, 2-корпус, 3-қават, 65-хона.

1-ТРАМВАЙ ДЕПОСИ

трамвай ҳайдовчиларни тайёрлайдиган

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

ҲАР ОЙДА 70 СЎМДАН СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ.

Трамвай ҳайдовчилари 50 процент ҳақини тўлаб (3 ой ичида) иш кийимини оладилар.

Ўқувчилар трамвай ва троллейбуслардан бепул фойдаланадилар.

Депо қошида ёшлар учун ётоқхона, болалар боғчаси, ясли, дам олиш зонаси мавжуд.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 105-алоқа бўлими, Гайдар кўчаси, 50-уй (1-трамвайнинг «Депо» бекати).

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

15 ФЕВРАЛЬ — ДУШАНБА
Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.55 «Поэзия». А. Лупан. Туғилган кунининг 70 йиллигига. 18.45 «Аёиқ полвон». Мультфильм. 18.55 Жаҳон халқларининг ижоди. 19.25 КПСС XXVI съезди қарорлари— ҳаётга! Соликамск целлюлоза-қоғоз комбинатининг иш тажрибасидан. Кўрсатувда КПСС Пермь область комитетининг биринчи секретари Б. В. Коноплёв иштирок этади. 19.55 «Татьянанинг куни». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Дўстларимиз чеҳраси». 23.05 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг СССР халқ артисти Ю. Сидантьев раҳбарлигидаги эстрада-симфоник оркестрининг концерти. 23.35 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

Профилактика муносабати билан Марказий телевидение II программасида душанба 15 февраль куни кўрсатувлар намойиш этилмайди.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун фильмлар: «Қиличбозлик», «Малика», «Нота». 18.30 «Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида». 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарварлар». 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Ёзувчилар ёзувчилар ҳақида» (рус). 20.20 «Тошкентда қор». Фильм манзаралари. 20.30 «Ахборот». 20.50 Т. Жалилов номли халқ чолғу оркестрининг концерти. Программада СССР халқларининг куйлари. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «Солдат отаси». Бадиий фильм. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

II

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 19.20 «В. Кочетов». Ёзувчи туғилган кунининг 70 йиллигига. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Моншадаги кўриқхона». Ҳужжатли фильм. 20.30 «Қизиқувчилар экрани». 21.00 «Акваланг ва қуракоёқ». Телефильм. 21.10 «Диққат, темир йўл!» (рус).

16 ФЕВРАЛЬ — СЕШАНБА
Марказий телевидениенинг «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 «Время». 9.40 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Сеҳрланган бола». Мультфильм. 10.40 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 11.40 «Санъат усталари концерти». Фильм-концерт. (Кишинёв). 12.40 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флоти кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси. 16.10 «Константин Паустовский ижоди». 17.05 «Мураббий». 17.35 «Бунёдкорлар сафида». Телевизион фильм премьераси. Ишлаб чиқариш, фан ва маданият соҳасида Москва меҳнаткашларининг XI беш йиллик биринчи йили план ва мажбуриятларининг бажарилиши ҳақида. 18.35 «Рус жилолари». Концерт. 19.05 «Пластилиндан ясалган типратикан». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Сальвадорнинг дарди ва газаби». Ҳужжатли фильм. 19.50 «Чайка». Фильм-балет премьераси. Р. Щедрин музикаси. 21.30 «Время». 22.05 Камчатка хор капелласи ижро этади. 22.30 «Руде право» газетасининг совғини учун хоккей бўйича Халқаро турнир. ЧССР — СССР терма командалари. 2 ва 3-даврлар. Чехословакиядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.00) —«Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Диққат, юрак». Илмий-оммабоп фильм. («Ленинуфильм»). 9.35 ва 13.10 Шахмат мактаби. 10.05 ва 12.10 Француз тили. 10.35 ва 11.40 Тарих. 5-синф. Қадимги Греция театри. 11.10 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Физика. Нурнинг тўлқинли ва квант хоссаси. 12.40 ва 13.40 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 8-синф. Колхоз ҳуқуқи. 14.10 А. Конан-Дойл. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. ЎҚИТУВЧИ ЭКРАНИ. 14.50 Тарих. 4-синф. Дастлабки беш йилликлар қурилишлари. 15.20 География. 7-синф. Уралнинг табиий комплекслари. 15.50 Ҳозирги замон совет драматургиясида меҳнат кишиси. 16.50 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Ер магази». Илмий-оммабоп фильм («Қозоқфильм»). 19.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.00 Спорт ҳафталиги. 20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 «Халқаро панорама». 21.30 «Время». 22.05 «Кодли номи «Жануб момақалдироғи». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Бошсиз от». Телеспектакль (рус) 13.00 «Беподён Ватаним менинг». СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган кинопрограмма. 14.00 «Солдат отаси». Бадиий фильм.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Рики-Тики-Тави». «Ўгирланган ой». Мультфильмлар. 18.40 Болалар учун «Қувноқлар даврасида». 19.10 «СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта». Тошкент экскаватор заводидан репортаж. 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Куйла, дилкаш дуторим». Адабий-музикали композиция. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ижод саҳифалари». Ўйғун. (рус). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Чорвачилик — зардоб фронт». 22.25 «Резидент тандири». Бадиий фильм. 1-серия. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Адабиёт. Ҳозирги замон чет эл адабиёти. Ҳэмингуэй (рус). 18.40 Реклама. 18.50 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 19.50 «Дераза» Телефильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Музиклар мусиқаси». Телефильм. 20.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 21.30 МТ II.

4 бет ЮШКЕНТ ОҚШОМИ — «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат, — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19 фан мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчиларн — 33-90-50.

15 ФЕВРАЛЬ, 1962 й. Р — 07073. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри, В-2524. Индекс 64691.